ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 189 (12.843).
14 АВГУСТ 1964 ЙИЛ
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИ, ИЛҒОР НАРСАЛАРНИ ҲУЖУМКОРЛИК БИЛАН ПРОПАГАНДА ҚИЛИШ—МАТБУОТНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

ПРАВДА

Коммунистик партия ишлаб чиқарувчи кучларнинг қудратли суратда ривожлантирилишини таъминлашдан, совет кишисининг моддий ва маданий талабларини ҳар тарафлама қондирмоқ учун шарт-шароит яратишдан иборат буюк мақсадни ўз Программасига ёзиб қўйди. Бизнинг халқимиз шу мақсадга эришиш учун ҳозирдаёқ кўп ишлар қилди. Лекин олдимизда ҳали жуда катта иш турибди. Саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтиришга эришмоқ учун куч-қувватимизни тўла ишга солиб, меҳнат қилишимиз зарур.

Бундай шароитда, халқни коммунистик руҳда тарбиялашда, унинг ижодий куч-ғайратларини конкрет хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этишда партиянинг энг муҳим идеологик қуроли бўлган матбуотнинг роли ошиб бормоқда.

Матбуотимизнинг ажойиб хусусияти шундан иборатки, у чинакам демократик характерга эга бўлиб, халқ унинг яшамоқда ва халқнинг бевосита иштироки билан ишлаб келмоқда. Бизда кўпгина илғорлар, новаторлар ўзларининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари билангина машҳур бўлиб қолмай, айни маҳалда матбуотдаги чуқур мазмунли, ёрқин мақолалари билан ҳам донг таратганлар. Масалан, ленинградлик ишчи Алексей Чуевнинг матбуотда босилган мақоласи маънавий стимулнинг роли тўғрисида амалий гап юритишга асос солди, бу мақола кўпгина газетхонларнинг фикр-ўйларини ифода этди.

Яқинда бутун матбуотимиз пойтахтдаги ўн бешта корхона ватанпарварлик ташаббуси бошлаганлигини маълум қилди. Ана шу корхоналарнинг коллективлари 1964—1966 йилларда ҳар бир буюмни зарар кўрмаган ҳолда ишлаб чиқарадиган қилиш, маҳсулот сифатини муттасил ошириш ва шу тариқа, саноатни ривожлантириш учун қўшимча маблағлар олиш мажбуриятини қабул қилдилар. КПСС Марказий Комитети маъқуллаган бу ажойиб ташаббусни матбуот қизғин қўллаб-қувватлади.

Колхоз ва совхозлардаги миллион-миллион меҳнаткашлар далаларда фидокорона ишлаб, Ватаннинг ғалла ресурсларини кўпайтиришга ўз муносиб ҳиссаларини қўшишга интилмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Қрим, Донецк ва Луганск областларининг ғаллакорларини меҳнатда эришилган зўр ғалаба билан — давлатга дон сотиш йиллик плани муваффақиятли бажарилганлиги билан самимий табрикладилар. Ўрим-йиғим илғорларининг меҳнатдаги ютуқлари тўғрисида яққол ҳикоя қилиб бериш, жанубликлар тажрибасини Поволжье ва Сибирь ерларига, қўриқдаги далаларга кўчириш матбуотнинг бурчидир.

Шу кунларда кўпгина газеталаримиз колхоз ва совхозларнинг далаларидаги ўрим-йиғим ишлари тўғрисида оперативчилик билан таъсирчан қилиб ёзмоқдалар. Ростовда чиқадиган «Молот» газетасининг саҳифаларида ўрим-йиғим қаҳрамонлари тўғрисидаги лавҳаларни ҳам, «Илғор тажриба —бизнинг бойлигимиз» рубрикаси остида босилган мақолаларни ҳам, «Илғор тажриба тўғрисидаги материаллар изидан» берилган хабарларни ҳам кўриш мумкин.

Кўпгина газеталаримиз янгиликни кўра билаётганликлари, уни бутун халққа кўрсатиб бераётганликлари, газетхонни таъсирлантириб, новаторлар билан ташаббускорларнинг сафларини кўпайтираётганликлари билан ажралиб турадилар. Масалан, пойтахт областининг қишлоқларида кенг миқёсда қурилиш ишлари олиб бораётган «Главмосстрой» ходимларининг қимматли ташаббусини атрофлича кўрсатиб бериш билан «Московская правда» газетаси тўғри иш қилди. «Ленинградская правда», «Вечерняя Москва» ва «Вечерний Ленинград» газеталарининг саҳифалари сўнгги вақтларда новаторлар минбари бўлиб қолди. Ишлаб чиқариш илғорлари бу газеталар билан актив ҳамкорлик қилиб келишмоқда.

Шуниси муҳимки, матбуот оммалаштираётган қимматбаҳо тажриба ғоят кенг меҳнаткашлар оммасининг мулки бўлиб қолсин. Меҳнатнинг илғор усуллари ва методларини пропаганда қилиш, жорий этиш —партия ва касаба союз ташкилотлари, мутахассислар, илм-фан аҳлининг биринчи даражали вазифасидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Саратовдаги «Декабрист» совхози ғаллакорлари ҳузурида сўзлаган нутқида ўз меҳнати ва ўз ижодий фаолияти билан турмушимизни бойитаётган, коммунистик қурилиш практикасига кўплаб янги, қимматли нарсалар бераётган илғор олимлар, мутахассислар, практикларни тилга олди. «Афсуски, —деди у, — бизда маҳсулот бирлигига қанча меҳнат сарф бўлаётганини ҳисобламайдиган, ўз қўшниларининг тажрибаси билан дуруст қизиқмайдиган кишилар ҳали ҳам бор. Ваҳолонки, ана шу кишиларнинг қўшнилари орттирган тажрибалар тўғрисидаги материаллар кўпинча газеталаримизда босилиб туради.

Илғор тажрибага, матбуотнинг сўзига бундай муносабатда бўлиш ярамайди, ўртоқлар».

Матбуот пропагандасининг ғоят катта имкониятларидан саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги илғорлари тажрибасини ёйиш учун ҳали тўлиқ фойдаланмаётган газеталаримизга ҳам жиддий таъна қилиш мумкин. Масалан, Калуга область «Знамя» газетаси илғор кишиларнинг суратларини тез-тез босиб туради. Бироқ, газета саҳифасида новаторларнинг мақолалари жуда камдан-кам чиқади. Рязандаги «Приокская правда» газетаси илғор кишиларнинг тажрибаси тўғрисида онда-сонда ҳикоя қилади.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь ойида бўлажак Пленуми муносабати билан матбуот олдида масъулиятли вазифалар пайдо бўлмоқда. Маълумки, Пленумда айрим турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга нисбатан қишлоқ хўжалигини интенсивлашга тааллуқли масалалар, ихтисослаштирилган ишлаб чиқаришни бошқариш масалалари муҳокама қилинади. Бизнинг матбуотимиз илғор колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалигини интенсив юритиш соҳасидаги илғор тажрибани ҳар тарафлама ва чуқур ўрганиши, умумлаштириши, конкрет равишда кўрсатиб бериши, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини саноат тарзида ихтисослаштириш намуналарини фан ютуқлари ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, пропаганда қилиши керак. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига халақит бераётган барча қолоқлик, консервативлик ҳолларини кескин танқид қилиш лозим.

Социалистик экономиканинг, халқ моддий фаровонлигини янада оширишнинг, совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялашнинг туб вазифаларини ҳал қилишда Коммунистик партияга актив ва таъсирчан ёрдам бериш матбуотимизнинг энг олий бурчидир.

(13 августдаги бош мақола).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДАН

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Тошкент область, Янгийўл районидаги 14-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати **Муҳаббат Абдураҳмонованинг** 1964 йил 12 августда бевақт вафот этганлигини қайғу билан маълум қилади.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ
Целиноград области хўжаликларида

ЖАНИСПАЙ СТАНЦИЯСИ, (Целиноград области. 13 август. Матбуот группаси). КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев бугун тонг отар чоқда Жаниспай станциясига келди. Бу ерга партия Марказий Комитетининг секретари В. И. Поляков ҳам келди.

Н. С. Хрушчев станциядан Есильск ишлаб чиқариш бошқармасининг бир-бирига яқин турган совхозлари далаларига қараб йўл олди. Ўртоқ Хрушчевнинг Қўриқ ўлка бўйлаб қилаётган сафарида Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ю. Юсупов, Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Д. А. Кунаев, Қўриқ ўлка партия комитетининг биринчи секретари Ф. С. Коломиец, ўлка ижроия комитетининг раиси В. В. Мацкевич унга ҳамроҳ бўлмоқдалар.

Машиналар Ишим бўйининг дала йўлларидан уч соатдан кўпроқ юриб ўтадилар. Буғдойзорларнинг поёни кўринмайди. «Жаниспай», «Москва», «Қоракўл», «Бузулук» совхозларининг далалари кўздан кечирилди. Ана шу тўрт хўжаликда юз минг гектардан кўпроқ ерга буғдой экилган. Қўриқчилар шу йили бу ерларда гектар бошига ўрта ҳисобда 16-18 ва 20 центнердан дон ҳосили олишни мўлжалламоқдалар. Биргина Есильск ишлаб чиқариш бошқармасидаги совхозлар бу йил давлатга планда кўрсатилган 22 миллион пуд ўрнига 35 миллион пуд ғалла топширадилар.

Никита Сергеевич далаларни кўздан кечириб чиқиш вақтида совхозларнинг директорлари Б. Н. Петруха, А. В. Гаурлик, Л. Я. Гольдберг, Н. Н. Симахинлар билан, Есильск ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Д. А. Ким, партком секретари И. А. Шендрик билан, бригада бошлиқлари ва механизаторлар билан учрашди ҳамда суҳбат қилди.

«Бузулук» совхози биринчи бригадасининг дала шийпонида Н. С. Хрушчев қўриқ ерлардаги хўжаликларнинг механизаторлари, мутахассислари ва раҳбарлари билан самимий учрашди ва дўстона суҳбатлашди.

Ленинград бошқармасидаги Ҳамза Ҳакимзода номли совхознинг Тўйчибой Ҳайитов бошлиқ бригадаси аъзолари 25 гектар ернинг ҳар гектаридан 1 400 центнердан силосбоп кўкпоя, 40 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан маккажўхори дони етиштиришга аҳд қилганлар. Суратда: бригада бошлиғи ўртоқ Т. Ҳайитов силос учун экилган маккажўхорини кўздан кечирмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ЖОНКУЯР БРИГАДИР

Мирзо ака эрталаб дала йўлидан боракан: «Мавлон аллақачон иш бошлаб юборгандир, бир бориб кўрайчи», деб ўйларди. Йўлда дарвоза олдига чиқиб турган Зайниддин бобога дуч келди.

— Эшитдингми, Мирзо, — деди Зайниддин бобо саломаликдан сўнг, — ҳозир радиода гапирди, биз колхозчилар ҳам худди ишчилар каби пенсия олар эканмиз.

— Ҳа, яна далага чиқиб ишламоқчимисиз? — деб ҳазиллашди Мирзо ака.

— Қани энди ёш бўлиб қолсам, ажойиб замон! — деди бобо.

Бригадир Мирзо Шаропов ҳам мамнунлигини бош қимирлатиб билдирар экан, мийиғида кулиб қўйди-да, дала томон ўтиб кетди.

Пайкалда трактор гуриллаб ишлаб турибди. Мирзо тракторга яқинлашаркан, бирдан авзойи ўзгарди.

Бригадир бир туп ғўзани бир ёққа эгиб қараб турарди. Мавлон тракторини шу тонгда бу пайкалга киритган бўлса ҳам, ғўзаларда қанча кўсак борлиги билан қизиқмаганлигини кўнглидан ўтказди. Бригадир тутиб турган ғўзада 4 та бўлиқ кўсак, сон-саноқсиз гул ва шоналар кўзга ташланиб турарди. Мавлон буларни кўриб хурсанд бўлди. Лекин Мирзо ака бекорга тракторни тўхтатмайди, нима дер экан?

— Шу пайкални ўзинг текислагансан, ўзинг ҳайдагансан, чигит экකан ҳам ўзинг. Культивацияни ҳам сен ўтказяпсан. Аммо қирқ бирига келганда негa бепарволик қиласан?! Ҳосилимиз тақдири сенинг қўлингда. Дарҳол тракторингга тўсиқ ўрнат, кўсакни узиб кетадиган жойларига латта ўра! Бу шона ва кўсакларни деб озмунча меҳнат қилдикми!

Мавлон Назаров хатосини англаб, дарҳол шийпонга қараб кетди.

Мирзо ака ғўзани суғориш бепарво кишига топшириб қўйилса, ҳосилга катта зарар етишини яхши билади. Саъди Идиев, Бўрон Ҳакимов — тажрибали сувчилар. Аммо бригадирнинг ўзи уларга бош-қош бўлиб туради.

Ромитон бошқармасидаги «Ленинизм» колхози ўтган йили давлатга 4500 тонна «оқ олтин» сотган. Колхозда пахта ҳосилдорлиги бир йилда гектар бошига 9 центнер оширилган эди. Бунда Мирзо Шаропов, Ибод Паттоев каби ишлаб чиқариш командирларининг роли оз эмас, албатта. Мирзо ака бошчилик қилган бригада ўтган йили 87 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан пахта топширди. Бу йил эса 30 центнер учун кураш кетмоқда.

Мирзо Шаропов машина терими учун ажратилган 30 гектар майдондаги ғўзани алоҳида парвариш қилиниши устидан қаттиқ назорат қилиб бормоқда. Асил деҳқон шу кунларда ҳосилга ҳосил фақат меҳнат билан қўшилишини яхши билади. Мирзо ака ҳам ишни ана шунга яраша ташкил этади, ҳар тонг дала айланиб кўсак санайди. Жонкуяр бригадир ғўзаларга меҳр билан тикилар экан, яна жонбозлик билан ишлаш кераклигини сезади.

Я. ВАҲОБОВ.

САМАРҚАНД ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ РАПОРТИ

САМАРҚАНД, 13 август. (ЎзТАГ). Такрорий қурт боқиш тугалланди. Самарқанд областининг пиллачилари давлатга пилла сотиш йиллик планини бажардилар. Қабул қилиш пунктларига 1 752 тонна пилла топширилди.

Каттақўрғон, Норпой, Иштихон, Нурота ва бошқа ишлаб чиқариш бошқармаларидаги колхоз ва совхозлар ана шу қимматли хом ашёни етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан ўз мажбуриятларини анча ошириб бажардилар. Область хўжаликлари пландан ташқари яна икки юз центнер пилла бериш мажбуриятини олдилар.

Избоскан бошқармасидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг чорвадорлари 5 500 тонна ўрнига 7 800 тонна силос бостиришга аҳд қилганлар. Салоҳиддин Яхшибоев бошлиқ бригада аъзолари маккажўхоридан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозир маккажўхори ўриш ва силос бостириш қизғин бошлаб юборилди. Суратда: маккажўхори ўриш пайти.

А. Тўраев фотоси.



МАШИНАЛАР—ЙЎЛДОШИМИЗ

Қишлоқ хўжалик машиналари эндиликда деҳқоннинг чинакам дўсти, йўлдоши ва кўмакдоши бўлиб қолди. Буни биз совхозимиз эришаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриб турибмиз. Ўтган йили 4900 гектар майдоннинг 2000 гектаридаги пахтани «зангори кема»ларда йиғиштириб олиб, машина терими планини ошириб адо этдик. Кўпгина механик-ҳайдовчиларимиз мавсум топшириғини шараф билан бажардилар, белгиланганидан ташқари неча ўн тонналаб кўп пахта териб, хирмонга тўкдилар.

Етти йилликнинг олтинчи йилида совхозимиз коллективи она-Ватанга 10.000 тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд-паймон қилган. Мажбуриятимиз анча салмоқли. Унинг уддасидан чиқиш учун даставвал пахта етиштириш билан боғлиқ бўлган ишларни мумкин қадар кўпроқ механизациялаштириш, айниқса машина теримига катта эътибор бериш талаб этилади. Биз бунга тўла амал қилмоқдамиз ва пахтаси машинада териб олиниши лозим бўлган ерлардаги ғўза қатор ораларини шунга мослаштириб ишлаяпмиз.

Ўртоқ Абдираим Кубеков бошқарувчилик қилаётган 6- бўлим ишчилари етиштирилган ялпи ҳосилнинг 90 процентини машиналарда териб олишмоқчи. Бегимбой Ешбоев бригадасида, шунингдек Есеркеген Жабборов бошлиқ звенода етиштирилган пахтанинг ҳаммаси машинада йиғиштириб олинади. Ўртоқ Карим Давлатов бошлиқ бригадада эса 110 гектар ердаги ҳосил «зангори кема»ларда терилади. Бўлимнинг ана шу участкаларидаги ғўзалар машина теримига мослаб кўнгилдагидек парвариш қилинмоқда.

Совхозимиз техниканинг қудратли кучига таяниб, бу йил ялпи пахта ҳосилининг 60 процентини машиналарда териб олишни планлаштирди. Механизатор ва сувчиларимиз ҳар туп ғўзани меҳр билан парвариш қилиб, яхши ва серҳосил бўлиб ривожланишини таъминламоқдалар. 4 марта комплекс парвариш қилинган ғўзаларимиз шу кунларда текис гуллаб, кўплаб кўсак тугмоқда.

Ғўзани шу кеча-кундузда суғоришга алоҳида эътибор беріляпти. Оллоберган Мадаминов, Дониёр Мадиёров сингари 400 сувчи далада тунаб ишлашяпти.

Ўтган йили далаларимизда 70 та пахта териш машинаси ишлади. Биз бу йил яна 15 та машина сотиб оламиз. Шундай қилиб, 85 та «ХВС-1,2» пахтазорда сузa бошлайди. Терим машиналари ремонтдан чиқарилган, шай.

Биз Ўрта Осиё республикаларидаги моҳир механизаторларнинг Очиқ хатини яна бир карра ўқиб муҳокама қилиб чиқдик ва ҳар биримиз ўз устимизга янги, юксак мажбуриятлар қабул қилдик. Масалан, механик-ҳайдовчилардан Бозор Ҳайитбоева, Қутлимурод Ҳожимуродов ўртоқлар 100 тоннадан, Носир Абдалов 105 тонна, Ҳайитгул Ержанбоева 90 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олдилар. Мен ҳам уларга эргашиб, мавсумда 110 тонна пахта териб, хирмонга тўкмоқчиман.

Совхозимиз дирекцияси ва партия ташкилоти механик-ҳайдовчилар ўртасида яхши иш олиб бораптилар. Айниқса механизаторларга ғамхўрлик кучайтирилди. Бу йил механизаторлар тайёрлаш мактаблари-ни 46 киши битириб чиқди. Шундан 40 таси «зангори кема»ларни бошқаради.

Пахта йиғим-терими бошланадиган кунлар узоқ эмас. Ҳар бир механизатор бу кунни сабрсизлик билан кутмоқда. Чунки ҳар биримиз юбилей йилини яхши якунлаш, улуғ диёримизнинг катта байрамини муносиб кутиб олиш ҳис-туйғулари билан яшамоқдамиз. Мен ҳам республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли 40 йиллигини ўз устимга олган социалистик мажбуриятимни ошириб бажариш билан нишонламоқчиман.

О. КАМОЛОВ.

Қўнғирот ишлаб чиқариш бошқармасидаги Киров номли совхознинг механик-ҳайдовчиси.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛЛАР

ҚАЙҒУРМАЯПТИЛАР

М. Воробейчиков ишлаган расм.

Қува ишлаб чиқариш бошқармаси меҳнаткашлари 8000 гектар майдондаги ҳосилни машинада териб олишни кўзда тутиб, ана шу ерларда ғўзани машина теримига мослаб парвариш қилмоқдалар. Лекин районда терим агрегатларини ремонт қилиш ҳаддан ташқари кечиктириб юборилаётир. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмаси устахонасига келтирилган 150 та пахта териш агрегатидан эндигина 65 таси ремонтдан чиқарилди. Аммо улар ҳам тўла тахт қилинган эмас. Баъзи агрегатларда карбюраторлар, аккумуляторлар етишмайди. Қолган терим машиналари эса очиқ жойларда, айримларини занг босиб ётибди. Бирлашма раиси ўртоқ Содиқов бунга қандай тоқат қилаётганлигига ҳайронмиз.

Бошқармадаги Жданов номли, «Ленинизм», «Коммуна», М. Горький номли ва бошқа колхозларнинг раҳбарлари терим машиналарини мавсумга тахт қилиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрганлари йўқ. Бу колхозлардаги терим агрегатлари шу вақтгача «Узсельхозтехника» бирлашмаси устахонасига келтирилмаган.

Шунингдек, районда автоприцепларни ремонт қилиш ҳам пайсалга солинмоқда. Ремонт устахонасида 315 та автоприцепдан эндигина 150 таси ишга тахт қилинди. 157 та кўсак чувиш машинаси ремонтига эса ҳали қўл урилгани йўқ.

Шуни ҳам айтиш кераккі, терим машиналарининг унумли ишлатилиши кўп жиҳатдан механик-ҳайдовчиларнинг тажрибасига ва малакасига боғлиқдир. Охунбобоев номли колхозда ташкил этилган курсда 30 механик-ҳайдовчи қайта тайёрланди. Лекин бошқармадаги қолган бирорта колхозда ҳам бу ишга эътибор берилгани йўқ. Бошқарма раҳбарлари машина теримига ҳар томонлама тайёргарликни кучайтириш тўғрисида жон куйдирсалар яхшироқ бўлур эди.

Қ. РУЗИЕВ.

САРҒАЙГАН ҒЎЗАЛАР

Термиз бошқармасидаги Куйбишев номли колхоз ўтган йили пахта тайёрлаш йиллик планини бажара олмаган эди. Бу йил ҳам айни ҳосил тўплаш даврида колхозда ғўза парвариши бўшаштириб юборилди. Номоз Оллоназаров бошлиқ бригада сувчилари Қулсоат Мавлонов, Шерна Қулмуродов, Раимқул Бобомуродов, Дўстмурод Мусулмонқуловлар 29 гектар ердаги ғўзани қўллатиб суғорганлар. Шунингдек, бригадада культивация ҳам сифатсиз ўтказилмоқда. Бригада бошлиғи ишнинг сифатли бажарилиши устидан ҳеч қандай назорат ўрнатмаган. Бунинг оқибатида қўллатиб суғорилган, яхши культивация ўтказилмаган участкаларда ғўза ўт орасида қолиб, сарғаймоқда.

Эшқувват Усмонов бошлиқ бригадада ҳам аҳвол худди шундай. Бригаданинг 50 гектар ердаги ғўзаси бегона ўт орасида қолиб кетган. Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам ана шундай ачинарли аҳволни кузатиш мумкин. Лекин нима учундир колхоз раҳбарлари дала ишларини кучайтириш, колхозчиларга чинакамига ғамхўрлик қилиш чораларини кўрмаётирлар.

Б. ЧОРИЕВ.

УЛКАН ХИМИЯНИ БАРПО ЭТИШ — КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШДА ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФА

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ 1964 ЙИЛ 11 АВГУСТДА БОШҚИРДИСТОН АССР ХИМИЯ САНОАТИ, ҚУРИЛИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХОДИМЛАРИ БИЛАН СУҲБАТИ

Ҳозир мамлакатда бутун совет халқининг эътиборини ўзига алоҳида тортиб турган районлар орасида Бошқирдистон АССР кўзга кўринарли ўрин эгаллайди. Бу ерда ҳозирдаёқ химия индустриясининг энг йирик корхоналари ишга туширилди, янги заводларга пойдевор қўйилмоқда. Сўнгги олти йил ичида республикада кўпгина йирик химия корхоналари барпо этилиб, саноатнинг шу тармоғида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш беш баравардан зиёд кўпайтирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев 11 август куни эрталаб Уфа шаҳрига келди. Бир кун аввал у, нефть конларида ишлар қандай ташкил этилганлиги билан танишган бўлса, энди химия корхоналарини кўришга қарор берди. Никита Сергеевич мамлакатда энг йирик корхона бўлган синтетик спирт заводига борди. Н. С. Хрушчев заводни кўздан кечиргандан кейин химия саноатининг ходимлари, республиканинг партия ва совет раҳбарлари, Ўрта Волга Халқ хўжалиги кенгашининг раҳбарлари билан учрашди. У, Бошқирдистон АССР корхоналари ва қурилишларидаги ишларнинг аҳволини, химия саноати эҳтиёжларини, уни ривожлантириш истиқболларини гапириб беришни бинокорлар, химиклардан илтимос қилди. КПСС Стерлитамак шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Комиссаров биринчи бўлиб сўз олади.

В. Д. Комиссаров. Никита Сергеевич, 8 августда, яъни Бошқирдистонга келишингиз арафасида давлат комиссияси Стерлитамакдаги химия заводини фойдаланишга топшириш ҳақидаги актга қўл қўйганлигини маълум қилишимга ижозат берсангиз. Заводнинг неча ўн миллион сўмлик қимматга эга бўлган биринчи навбати ишга туширилди. Бинокорлар каттагина иш қилишди. Тўғри, биз заводни давлат планида кўрсатилганига нисбатан бир оз кечикиброқ фойдаланишга топширдик. Лекин қурилиш нормаларига қараганда, энг муҳим ишлар муддатидан олдин бажарилди.

Н. С. Хрушчев. Ускуналар кечикиб келдими ёки бошқа сабаблар ҳам бўлдими?

В. Д. Комиссаров. Ускуналарнинг етказиб берилиши қўл тутгани йўқ-у, лекин унинг ҳамма узеллари билан агрегатларини юқори сифатга эга деб бўлмас эди, чала жойларини битказишга тўғри келди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш процесси ҳали етарли даражада синаб кўрилмаган эди. Аммо, нуқсонлар ҳозир тугатилди. Стерлитамакдаги химия заводи ишлаб турган корхоналар сафига кирди ва давлатга зарур маҳсулотни бера бошлайди. Қурилиш тамомланганлиги ҳақидаги рапортни Сизга топширишимга ижозат берсангиз.

Н. С. Хрушчев. Раҳмат. Завод ишчилари, инженер ва техникларини партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номидан табриклаб қўйинг. Химия саноати корхоналарини иложи борича тезроқ ишга туширишимиз ва ўзлаштиришимиз жуда муҳим. Бутун совет экономикасининг олға бориши, халқ фаровонлигининг ошиши химиянинг ривожланишига боғлиқ. Химиклар ҳозир энг зарбдор соҳада турибдилар, шунинг учун ҳам совет кишилари уларнинг ҳар бир ютуғига хурсанд бўлмоқдалар.

В. Д. Комиссаров. Сизнинг табрикларингизни завод коллективига етказаман. Айни маҳалда химиклар номидан партия Марказий Комитетини ишонтириб айтаманки, лойиҳада белгиланган қувватни тезроқ ўзлаштириш, юқори сифатли химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ҳамма зарур чораларни кўрамиз.

В. Е. Корнеев (Стерлитамакдаги сода-цемент комбинатининг директори). Ижозатингиз билан мен ҳам корхона коллективининг ютуқларидан гапириб берсам. Комбинатимиз қуриб бориляпти ва айни маҳалда кенгайтириляпти. Ҳозирги вақтда бизда жаҳонда энг йирик сода корхонаси барпо этилди. Комбинатимиз чет эллардаги ўзига ўхшаш энг йирик корхоналарга нисбатан кўпроқ сода ишлаб чиқаряпти. Фақат Америка билан Англия сода ишлаб чиқариш жиҳатидан Бошқирдистондан олдинда туради, холос. Лекин ҳозир заводимизни янада кенгайтириш плани тасдиқланди. Шунинг натижасида у, жаҳонда энг йирик корхона бўлиб қолади.

Бизнинг содачиларимиз зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш планларини муваффақият билан бажаряптилар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг улкан химияни барпо этиш тўғрисидаги қарорларини амалга ошириш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Сода-цемент комбинати коллективининг меҳнат рапортини Сизга топширишимга рухсат берсангиз.

Н. С. Хрушчев. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг самимий табрикларини ва меҳнатда янги ютуқлар тилаб билдирган истакларини корхона коллективига етказинг. Сизларда сода таннархи қандай?

В. Е. Корнеев. Бизнинг корхонамизда бир тонна соданинг таннархи 21 сўм, яъни мамлакатдаги ўртача таннархга нисбатан анча кам. Бошқа турдош корхоналардагига нисбатан бизда меҳнат унумдорлиги бир ярим-икки баравар ортиқ. Бунга сабаб шуки, аввало, ишлаб чиқариш миқёслари катта, шунингдек биз ўз Ватанимизда тайёрланган яхши ускуналарни ўрнатганмиз, янги техникани кенг жорий қиляпмиз.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ • 2

14 АВГУСТ 1964 ЙИЛ
№ 189 (12.843).

З. Н. Нуриев (КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари). Янаги сафар келганингизда Стерлитамакка боришингизни Сиздан илтимос қиламиз, Никита Сергеевич. У — ҳақиқатан ҳам химия саноатининг жуда йирик маркази.

Н. С. Хрушчев. Стерлитамакликлар ҳузурига жуда боргим бор эди. Бошқирдистонга келганимга ғоят хурсандман, республикангизга бир марта келган кишининг шу ерга яна қайтиб келсам, дейиши турган гап. Мен ҳам ана шундай кишилардanman. Бир амаллаб вақт топиб бу ерга яна келаман, химия саноати билан чуқурроқ танишиб оламан, заводларга бораман. Ҳозир Бошқирдистонга йўл-йўлакай келиб қолдим. Қўриқ ўлкага кетяпман, йўл эса республикангизни оралаб ўтади. Қисқа вақтга бўлса ҳам тўхтаб ўтиш керак эди. Ҳозир кўп нарса химияга боғлиқ. Химия корхоналарининг кўпи Бошқирдистонда, Татаристонда, Куйбишев ва Волгоград областларида жойлашган. Бошқирдистонга ҳам, Татаристонга ҳам, химия саноатининг бошқа районларига ҳам ҳали яна келиб қоларман, деган фикрдаман.

Замонавий химия корхоналарини барпо этишда бинокорларнинг роли жуда катта. Қурилиш муддатлари тўғрисидаги масала — хўжаликка раҳбарлик қилиш соҳасидаги бутун ишимизда энг муҳим масаладир. Қурилиш муддатлари қисқартирилса, маблағларнинг айланиш коэффициенти ошади. Сарфланаётган маблағлар ишлаб чиқариш процессида иложи борича камроқ туриб қолиши, тезроқ самара бера бошлаши учун ҳамма чораларни кўришимиз керак. Тажриба шуни кўрсатдики, агар хўжалик ва партия ташкилотлари ўз эътиборларини энг муҳим қурилишларга қаратсалар, у ҳолда, қурилиш ишлари тезлашиб, муддати қисқаради. Бир қарашда бу ҳаммага равшандек кўринади. Аммо, қурилишни ташкил этишдаги камчиликлар сабабли, биз баъзи заводларни тўрт-беш йилда қуриб битказяпмиз. Бу ҳаддан ташқари узоқ муддат. Қурилишни шу зайлда чўзиб юбориш химияни жадал ривожлантириш вазифаларини ҳал қилишдаги имкониятларимизни камайтириб қўяди. Мен чет эллардаги йирик фирмаларнинг иши билан танишганман. Ўша ерда менга, масалан, минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг бутун комплексини икки йилда етказиб бера оламиз, дейишди. Биз ҳам заводларга ускуналарни ана шундай муддатда етказиб бера оламиз, деб ўйлайман. Лекин заказларни бажаришда турли машинасозлик заводлари орасида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги бунга халақит бериб турибди. Монтажнинг сўнгги босқичида керак бўлган агрегатни баъзан дастлабки босқичда етказиб беришади. Баъзан бунинг тескариси бўлади.

Овоз. Салават шаҳрида биз ускунани 24 ойда ўрнатиб бўлиб, корхонани юргизиб юбордик.

Н. С. Хрушчев. Шу хилдаги иккинчи бир заводда ишни бундан ҳам қисқароқ муддат ичида битказса бўладими?

Овоз. Биз бу ишни тахминан 18 ойда битказмоқчимиз.

Н. С. Хрушчев. Қурилиш ишларини жадаллаштириш — улкан химияни барпо этиш вазифаларини ҳал қилишда туб масала. Бир неча ишни бирга қўшиб олиб бориш графиги асосида қурмоқ керак. Буни бемалол қилса бўлади, айниқса ҳозир химия ускуналарининг кўпи очиқ ҳавода ўрнатиляпти. Шу сабабдан, пойдевор солиш вақтида дарҳол ускуналарни ҳам бемалол ўрната бошлаш мумкин. Бу масала фақат маблағларни айлантириб туришгагина дахлдор эмас, гарчи мен боя айтганимдек, маблағларнинг қурилиш процессида камроқ ушланиб қолиши ва тезроқ даромад келтириши биз учун ғоят муҳимдир.

Қурилиш ишларини жадаллаштириш бизга шунинг учун ҳам айниқса муҳимки, бу нарса минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тезроқ ташкил этишга, бинобарин эса қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш учун шарт-шароит вужудга келтиришга ёрдам беради. Колхозчилар билан совхозларнинг ишчилари ўғитнинг аҳамиятини энди тушуниб олишди. Илгари колхозларга йўл-йўриқлар юборилиб, минерал ўғитларни ташиб олиш талаб қилинар эди. Ҳозир бу тўғрида ташвиқот қилиб юришнинг ҳожати йўқ, ўзларига керакли миқдорда ўғит ажратиб берилишини колхозларнинг ўзлари илтимос қилишяпти. Агар минерал ўғитлар заводини қуриш икки йил қисқартирилса, яъни тўрт йил ўрнига икки йилда қуриб битказилса, бу, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифасини тезроқ ҳал қилиш демакдир.

Қурилиш ишларини тезлаштириш учун республикада нима ишлар қилинаётганини сўзлаб беришингларни илтимос қилар эдим. Сизларда қурилиш ишлари билан ким шуғулланади?

З. Н. Нуриев. Бизда «Башстрой» деган йирик қурилиш ташкилоти бор. Бунга ўртоқ Кузнецов бошчилик қиляпти.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Кузнецов, қурилиш ишлари ҳақида гапириб беришингизни Сиздан илтимос қиламан.

К. П. Кузнецов. («Главсредневолжскстрой» Бошқирдистон бошқармасининг бошлиғи). Биз бу йил 212 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажаришимиз керак.

Н. С. Хрушчев. Сиз ўзингизда қандай қурилиш базаси вужудга келтирилганлигини айтиб беринг, чунки энг муҳими ана шу. Агар замонавий қурилиш базангиз бўлмаса, унда иш фақат гап сотишдан иборат бўлиб, қурилишда хашарчилик тартиби авж олиб кетади. Қурилиш базаси индустриал характерга эга бўлиши керак, токи цехлар ва бошқа ишлаб чиқариш бинолари тайёр деталлардан монтаж қилинадиган бўлсин.

К. П. Кузнецов. Бизнинг миқёсларимизга кўра замонавий база бўлмаса, қурилиш ишларини муваффақиятли олиб бориш мумкин эмас. Келгуси йилда биз 250 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажаришимиз керак. Шуни айтиб қўймоқчиманки, иш нефтехимия ҳисобига кўпаяди. Бу йил қурилиш ишларининг жами ҳажми 212 миллион сўмлик бўлса, шунинг 105 миллион сўми нефтехимиянинг улушидир. Биз қурилиш соҳасидаги умумий пудратчилик ишларини ҳозирча қониқарли бажаряпмиз. Йилнинг биринчи ярмида химия қурилиши плани 99,5 процент бажарилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида асосан нефтехимия саноатида 14 та йирик корхонанинг ва шу жумладан Салават шаҳрида карбамид ишлаб чиқарувчи энг йирик қувватларнинг ишга туширилишини таъмин этдик. Ҳозир бинокорларнинг эътибори аммиак корхонасини қуриб битказишга қаратилган.

Бу вазифа муваффақият билан бажарилади, деб ўйлайман. Учинчи ва тўртинчи кварталларда биз ишни деярли тамомлаб, ҳозир корхонани ишга тушириш-созлаш босқичига кирдик. Сентябрь ойининг охирларида маҳсулот берамиз, деган фикрдаман. Ишлаб чиқариш ускуналари ўз Ватанимиздаги заводларда тайёрланган бўлиб, яхши фазилатларга эгадир.

Ана шу қувватлардан ташқари биз Ватанимизда тайёрланган ускуналарни ўрнатиб, Салават шаҳрида карбамид ишлаб чиқаришни ташкил этдик. Корхонанинг биринчи қисми ҳозирдаёқ ишлаяпти ва, айтиш кераки, яхши ишлаб турибди. Ишга тушириш вақтида гарчи баъзи камчиликларга йўл қўйилган бўлса ҳам, биз лойиҳада белгиланган қувватни ўзлаштириб олдик.

Я. Г. Соркин («Башнефтехимзавод» бирлашмасининг бошлиғи). Химикларимиз таклиф қилган карбамид ишлаб чиқариш схемаси анча содда бўлиб, камроқ ускуна талаб қилади ва жуда қониқарли суратда ишлаб беради. Рост, корхонани қуриш жараёнида хатоларга йўл қўйилди. Бир қанча ҳолларда бошқа металл етказиб берилди. Шу сабабдан, ҳозир айрим қийинчиликларга дуч келяпмиз, баъзи бир жойларда металлни занг босиб қоляпти. Лекин умуман олганда, ускуналар мустаҳкам ишлаб турибди. Ҳозирнинг ўзидаёқ учта линия ишга солиб юборилган. План муваффақиятли бажариляпти. Ҳозир яна учта линия ўрнатиляпти.

К. П. Кузнецов. Келажакда Салаватдаги заводнинг бир ўзи неча юз минг тонналаб карбамид ишлаб чиқаради.

Н. С. Хрушчев. Бу, яхши, албатта. Лекин бизга ҳамма турдаги минерал ўғитдан 80 миллион тонна керак. Бу вазифани ҳал қилиш сизларга — химикларга боғлиқ.

Я. Г. Соркин. Мамлакатда бундай корхоналар кўп қуриляпти. Биз ҳам 80 миллион тоннага ўз ҳиссамизни қўшяпмиз. Айни маҳалда Сизга шуни маълум қилиб қўймоқчиманки, Никита Сергеевич, ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш учун катта-катта имкониятларимиз бўлса ҳам, план органлари бизни ҳозирча қўллаб-қувватлашмаяпти, бошқа жойлардаги ишлаб чиқариш тежамлироқ бўлиши мумкин, деган фикрни айтишяпти. Биз комбинат қувватини яна неча юз минг тонна маҳсулот тайёрлайдиган қилиб кенгайтиришни таклиф этдик. Хом ашёмиз бор, тажрибамиз ҳам бор. Лекин ҳозирча ёрдамни сезмай турибмиз.

Н. С. Хрушчев. Буни суриштириб кўриш керак. Қайси бири фойдали: ўғитни муайян масофага ташиб юришми ёки ўғит истеъмол қиладиган районга газ олиб келиб, ўғитни ана шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришми, шуни анализ қилиб беришни бир вақтлар сўраган эдим. Мен Тула областидаги Шчекино комбинатида бўлдим, у ердан Невинномисскка бордим. Менга Шчекино комбинатининг азотли ўғити Невинномисск ўғитидан қимматроқ, дейишди. Бунинг сабабини, Шчекинода ўғит нега қиммат бўлаётганини суриштира бошласак, гап транспорт харажатларига боғлиқ бўлиб чиқди.

Невинномисск комбинати бевосита газ чиқарилаётган ерга жойлашган, Шчекино комбинатига эса газни етказиб бериш керак. Газни етказиб бериш қиммати Шчекино химия комбинатида ишлаб чиқарилаётган ўғитнинг қимматига киради. Лекин ҳисоб-китоб шуни кўрсатдики, Невинномисскдан Шчекинога ўғит ташиб юргандан кўра, газ етказиб бериш фойдалироқ экан.

Шу сабабли, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни анча оқилона тарзда жойлаштириш учун ҳамма омилларни ҳисобга олиш лозим. Чамаси, бундай корхоналарни истеъмол жойига яқинроқ жойлаштириш лозимга ўхшайди, ана шу жойда хом ашё бўлиши шарт, албатта.

Я. Г. Соркин. Биз нефть установкаларидан кўп миқдорда газ олиб, уни аммиак корхонасига беряпмиз. Шу сабабдан, бизда аммиак унча қиммат эмас.

Н. С. Хрушчев. Бошқирдистонда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш вақтида фақат шу республиканинг эҳтиёжини ҳисобга олиш керак эмас. Ўғитни Бошқирдистондан Татаристон АССРга, Оренбург, Челябинск ва бошқа областларга юбориш мумкин. Умуман, Бошқирдистон химиклари жуда йирик қишлоқ хўжалик районини учун маҳсулот тайёрлаб бера оладилар. Шуларнинг ҳаммасини ҳисоблаб чиқиш, колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжларини назарга олиш, иқтисодий кўрсаткичларни анализ қилиб кўриш ва агар шу иш иқтисодий жиҳатдан фойдали бўлиб чиқса, карбамид, аммиак ва бошқа химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш зарур.

Сизларга ўғит керак, албатта. Дон, картошка, қанд лавлаги экинлари етиштириш учун шароитингиз яхши. Колхоз ва совхозларнинг ери кўп. Татаристонда менга республикада ўғит солмасдан дон экинларидан гектар бошига мунтасил 13-15 центнер ҳосил олиб келаётган хўжаликлар бор, дейишди. Агар ўғит солинса, дон экинлари ҳосилини 25 центнерга етказиш ва, ҳатто бундан ҳам ошириб юбориш мумкин.

К. П. Кузнецов. Уфада, Сиз бориб кўрган заводдан ташқари яна бир химия заводи бор, у — гербицидлар ишлаб чиқаради. Гербицидларимизнинг сифати қишлоқ хўжалик ходимларига манзур бўлди-ю, лекин биз бу маҳсулотни етарли миқдорда ишлаб чиқараётганимиз йўқ.

Ҳозирги вақтда бинокорларимиз синтетик спирт заводидаги қувватларни ошириш соҳасида ҳам иш олиб боряптилар. Бу заводда биз этил спирти ишлаб чиқарадиган қувватларни кўпайтиришимиз, фенол ва ацетон цехини ишга туширишимиз керак, бу цех неча ўн минг тонналаб маҳсулот беради. Биз, Уфа химия заводида метаксон цехини ҳам ишга туширишимиз лозим. Ишлар IV кварталда тамомланиши керак. Лекин муддатидан олдин ишга тушира олмаймиз, чунки тозалаш иншоотларини қуришда судралиб қолдик. Санитария инспекцияси сира кўз очиргани қўймаяпти, дарёга ташланадиган сувни тозалайсизлар, деб талаб қиляпти.

Н. С. Хрушчев. Мойли кислоталар ва ювиш моддалари ишлаб чиқарадиган қувватларни фойдаланишга топшириш планлари сизда қандай бажарилаётганини айтиб беринг-чи.

Я. Г. Соркин. Бошқирдистон химиклари совун саноатига кўп миқдорда мойли кислоталар тайёрлаб бермоқдалар. Тез орада ишга туширилиши лозим бўлган корхонада неча ўн минглаб тонна мойли кислоталар ишлаб чиқарилади. Химия синтези саноатига кўплаб хом ашё тайёрлаб берилади. Айни маҳалда биз нефтни қайта ишловчи заводларнинг нефть газларидан фойдаланиш имконини берувчи иккиламчи процесслар барпо этяпмиз. Шу хом ашё негизида озиқ-овқат мойларининг ўрнини босадиган химиявий моддалар ишлаб чиқаришни кўпайтирамиз.

А. Т. Шмарев. Бизда озиқ-овқат хом ашёсининг ўриндошларини ишлаб чиқариш учун катта-катта имкониятлар бор. Бир неча йил муқаддам Уфада синтетик спирт заводи қурилди. Ишчи ва мутахассислардан иборат ёш коллектив янги маҳсулотни ишлаб чиқаришни тез ўзлаштириб олди. Ўтган йили корхона бир неча миллион декалитр спирт берди, бу йил эса тағин ҳам кўпроқ спирт тайёрлаш мўлжалланмоқда. Ана шу миқдордаги спиртни ишлаб чиқариш учун неча ўн миллион пудлаб дон керак бўлар эди. Химия ана шундай имкониятлар очиб беряпти.

Н. С. Хрушчев. Партия Марказий Комитети химия саноатининг ходимлари озиқ-овқат хом ашёси ўриндошлари ишлаб чиқариш вазифасини сусткашлик билан ҳал этаётганликлари учун уларни бир неча марта танқид қилган эди. Сизнинг ахборотингиздан кўриниб турибдики, бу йўлда катта иш олиб бориляпти. Аммо, шундай бўлса ҳам, биз ўз имкониятларимиздан ҳали тўлиқ фойдаланмаётганимизни айтиб қўйиш керак. Ҳозирги вақтда мамлакат ўсимлик мойларининг қарийб ярмини техника эҳтиёжларига сарфлашга мажбур бўляпти. Бу билан биз аҳолининг ўсимлик мойига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имкониятидан маҳрум бўлиб қоляпмиз. Ўсимлик мойларининг ўриндошларини ишлаб чиқарувчи қувватларни жадал қуриш ва ишга тушириш учун ҳамма чораларни кўриш керак.

К. П. Кузнецов. Бизда уй-жой қурилиши кенг миқёсда авж олдириляпти. Йилнинг биринчи ярмида уй-жой қуриш плани 105 процент бажарилди. Йилнинг иккинчи ярмида ҳам уй-жой қурилиши соҳасидаги топшириқларни муваффақиятли бажарамиз, деб ўйлаймиз.

Н. С. Хрушчев. Уйларни йиғма темир-бетондан қуряпсизларми? Мен химия комбинатига бора туриб, йўлда силикат ғиштдан қурилган уйларнинг кўплигини кўрдим. Бунга сабаб нима?

К. П. Кузнецов. Ўтган йили Уфада панеллардан 140 минг квадрат метр уй қуриб берадиган завод ишга туширилди. Ҳозир бизда йирик панеллардан қурилаётган уйлар бутун уй-жой қурилишининг 47 процентига тўғри келади. Келгуси йилда бу рақам 70 процентга етказилади.

Н. С. Хрушчев. Уй-жойлар учун замонавий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришда бошқа шаҳарлардан орқада қолибсизлар. Ғиштдан уй қурса бўлаверадиган замонлар ўтиб кетди. Йиғма темир-бетон саноатини ривожлантириш чораларини ўйлаб кўрмоқ керак. Шундай қилинмаса, уй-жой қурилиши соҳасидаги катта-катта планларнинг уддасидан чиқиб бўлмайди.

К. П. Кузнецов. Сиз, Никита Сергеевич, камчиликларни тўғри очиб ташлаяпсиз, биз эса бу камчиликларни йўқотиш учун ҳамма чораларни кўрамиз. Яхши қурилиш базасига эга бўлмай туриб, 1965 йил учун бизга белгилаб берилган ишлар ҳажмини уддалаб бўлмаслигини бинокорларимиз тушуниб туришибди. Биз бинокорлик ишларини нефтехимия корхоналарида 40 процент кўпайтиришимиз керак, умуман қурилиш программаси эса 30 процент ортади. Бинокорлар қўйилган вазифанинг ғоят жиддийлигини тушуниб туришибди. Сизнинг қурилиш базасини мустаҳкамлаш зарур, деган йўл-йўриқларингизни бажарамиз. Ҳозир йиғма темир-бетон тайёрлайдиган 3 та завод қуряпмиз. Бошқа хил бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш ҳам кўпайтириляпти.

Н. С. Хрушчев. Ўртоқ Кузнецов, ўз эътиборингларни химия заводларини қуриш муддатларини жадаллаштиришга қаратишингларни сиздан ҳамда Уфанинг ва Бошқирдистон Республикасининг ҳамма бинокорларидан илтимос қиламан.

К. П. Кузнецов. Сизнинг илтимосингизни ва берган кўрсатмаларингизни бинокорларга етказамиз ҳамда Бошқирдистондаги химия корхоналарини тезроқ ишга тушириш учун ҳамма зарур чораларни кўрамиз.

Я. Г. Соркин. Бизнинг районимизда химияни ривожлантиришда полиэтилен билан полипропилен ишлаб чиқариш катта ўрин эгаллайди. Лекин назаримда, Бошқирдистоннинг ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқаришдаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ. Республикадаги нефтни қайта ишловчи заводларда полиэтилен ишлаб чиқаришни кенгроқ миқёсларда ташкил этиш фойдалидир. Етарли хом ашёмиз бор, муайян тажриба орттирганмиз. Шундай бўлса ҳам, қурилиш ишларининг анчагина қисмини 1967 йилда бошлаш мўлжалланяпти.

Ҳозир химикларимиз изопрен каучук ишлаб чиқарувчи заводнинг иккинчи навбатини қуришяпти. У — анча мураккаб корхона бўлса ҳам, бизда уни муваффақият билан ўзлаштириб олиш учун имконият бор.

Н. С. Хрушчев. Изопрен каучук ишлаб чиқарадиган корхонанинг қуввати қандай бўлади?

Я. Г. Соркин. Бу корхона бир неча ўн минг тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаради, деб мўлжалланяпти. Бизда кичкинагина тажриба корхонаси ҳозирдаёқ ишлаб турибди. Изопрен каучук ишлаб чиқаришни кенгроқ ҳажмда ташкил этиш назарда тутилаётган бошқа шаҳарлар учун ҳамма процесслар ана шу корхонада такомиллаштириб олиняпти.

Сизга шуни маълум қилиб қўймоқчиманки, Никита Сергеевич, биз каустик ва суюқ хлор ишлаб чиқарадиган қувватларнинг биринчи навбатини ишга туширдик. Хлор негизида бир қанча корхоналар, жумладан, полихлорвинил смолалар ишлаб чиқариш ривожлантирилмоқда. Смолалар негизида биз қувурлар ва турли буюмлар; кабелбоп пластикат оламиз. Хлор негизида хлорли этил, хлорли водород, глицерин ва шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз.

Н. С. Хрушчев. Истиқболларингиз ажойиб. Бошқирдистоннинг жуда катта бойликлари бор. Шу бойликлардан оқилона фойдаланиш керак.

А. Т. Шмарев (Ўрта Волга Халқ хўжалиги кенгашининг раиси). Химикларни ўйлантириб турган бир масалани қўйишимга рухсат берсангиз. Қувватларни ўзлаштириш бизнинг иқтисодий районимиз учун, айниқса Бошқирдистон учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Сўнгги беш йил ичида биз неча ўнлаб объектларни ишга туширдик. Келажакда Бошқирдистонда фақат нефтехимия соҳасида ҳар йили тахминан 100 та янги объект ишга тушириб борилади. Бу нарса Халқ хўжалиги кенгашида фақат янги қувватларни ўзлаштириш масалалари билан шуғулланадиган, кадрларга зарур ёрдам кўрсатадиган ва қувватларни ўзлаштириш процесси учун жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар бўлишини талаб қилади.

Биз корхоналарни ишга тушириш-созлаш трести ташкил этишга рухсат берилишини илтимос қиламиз. Бу трестнинг Уфа, Салават ва шу каби бошқа йирик узелларда қувватларни ўзлаштириш билан шуғулланувчи доимий мутахассислари бўлур эди. Шундай ташкилот бўлмаса, биз қийналиб қоламиз. Заводлардаги цехларнинг бир қисми ишга солинди. Лекин янги ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олишда ёрдам берадиган одамлар йўқлиги, малакали мутахассислар йўқлиги орқасида, ана шу цехлар мажбуран бекор туриб қоляпти. Мен Ўрта Волганинг йирик узелларида корхоналарни ишга тушириш-созлаш трести ташкил этилишини илтимос қилар эдим. Ана шу трестда лойиҳадан бошлаб ишга туширгунча заводда ишлайдиган юқори малакали инженерлар, техниклар бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқариш технология процессига мувофиқ, тартибли йўлга солиб борилганидан кейин, улар ўз вазифасини адо этган деб ҳисобланади.

Н. С. Хрушчев. Сиз шу масалада мурожаат қилдингизми?

А. Т. Шмарев. Ҳа, мурожаат қилдим. Бу масалани кўриб чиқиш тегишли ўртоқларга топширилган эди, лекин шунга келганда, ўз идорасининг манфаатларини кўзлаб иш тутиш сиёсати таъсир кўрсата бошлади. Бизнинг Россия Халқ хўжалиги кенгаши ускуналарни созлаб бериш ва ўзлаштириш билан тегишли комитетлар шуғулланиши керак, деб ҳисобламоқда. Лекин бу иш комитетнинг қўлидан келмайди. Комитет ходимлари келиб, маслаҳат беришади-да, яна қайтиб кетишади. Биз эса ҳар куни ишлашимиз керак. Шу сабабдан, бутун Ўрта Волга учун корхоналарни ишга тушириш-созлаш ташкилоти тузишга рухсат берилишини илтимос қилар эдик. Ҳозир Қозонда полиэтилен корхонасини ишга соляпмиз. Трест одамлари ана шу ерда ишлашлари мумкин эди. Сўнгра, уларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш соҳасида ёрдам талаб қилинадиган бошқа шаҳарга кўчириш мумкин. Биз ҳисоблаб кўрсак, Халқ хўжалиги кенгашимиз корхоналари қувватларни ўз вақтида ўзлаштирмаслик орқасида 260 миллион сўмлик маҳсулотни ололмай қолибдилар.

Н. С. Хрушчев. Сиз, бемалол бўлса, шу масаладаги ўз фикрингизни муфассалроқ баён қилиб беринг. Бу иш билан ким шуғулланиши керак, деб бу масалада Халқ хўжалиги кенгаши билан Госплан ўртасида жанжал кетаётганга ўхшайди.

Я. Г. Соркин. Никита Сергеевич, ишлаб чиқариш ходимларининг бир илтимосини айтишимга рухсат берсангиз. Корхоналарни ремонтбоп материаллар ва запас қисмлар билан таъминлаш масаласи бизни жуда кўп ташвишга қўйяпти. Бу масалани кескин суратда ҳал қилиш керак. Бизнинг ниҳоятда катта саноатимиз бор, турли-туман ускуналаримиз кўп-у, лекин аслида бизга запас қисмлар ясаб берадиган одам йўқ. Ўтган йили запас қисмларга эҳтиёжимиз 1.200 минг сўмдан иборат бўлди. Бизга 120 минг сўмлик, яъни ўн баравар кам запас қисмлар ажратиб беришди. Бу йил ҳам худди шундай бўляпти. Ҳозир аҳвол шу даражага келиб қолдики, ремонт ишлари тўхтаб турибди, ускуналар ишлаб, ишдан чиқиб боряпти, арматура етишмаяпти. Биз ремонт ишлари учун 11 минг единица пўлат арматура сўрасак, 178 дона арматура беришди.

Н. С. Хрушчев. Запас қисмлар ишлаб чиқаришни ким планлаштиради, запас қисмларни ким тақсимлайди, Госпланми?

Я. Г. Соркин. Биз Халқ хўжалиги кенгаши билан алоқа қиламиз.

Н. С. Хрушчев. Сиз масалани тўғри қўйяпсиз, буни суриштириб, тагига етиш керак. Корхоналар ремонтбоп материаллар билан запас қисмларни зарур нормалар асосида олиб туриши лозим. Шундай қилинмаса, ишлаб чиқаришни муваффақиятли бошқариб бўлмайди.

Я. Г. Соркин. Яна бир масала. Биз реконструкция қилиш ва интенсивлаш йўли билан қувватларни ошириш соҳасида жуда катта иш қилдик. Шунинг эвазига қувватлар қарийб бир ярим баравар кўпайди. Бу ишни ёмон қилаётганимиз ҳам йўқ. Ҳамма химиклар номидан илтимосим шуки, қуйидаги масалада бизга ёрдам бериб юборилса. Маблағлар йўқлиги орқасида ҳозир корхоналарнинг раҳбарлари реконструкция ва интенсивлаш билан шуғуллана олмаяптилар. Илгари биз капитал ремонтга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан баъзи бир ишларни қила олар эдик. Ҳар бир директор маблағларни йўли билан тежаб, ортиб қолган пулни корхонани реконструкция қилишга ишлатар эди. Ҳозир шундай қилишимиз ман этиб қўйилди. Капитал ремонтдан тежаб қолинган маблағнинг бирон сўмини реконструкцияга сарфлаб бўлмайди.

Реконструкция учун банкдан қарз олиш мумкин, дейишади. Лекин шу қарз бадалига материаллар берилмайди. Ҳозирги вақтда истиқболни кўзлаб, қувватларни ошириш ва барча техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш планда кўзда тутилган. Лекин биз шу ишни амалга оширишга қодир эмасмиз.

Корхоналарнинг раҳбарлари ё капитал ремонтдан тежаб қолиш, ёки бошқа бирон манбалар топиш эвазига реконструкция билан шуғулланишимизга имконият берилса, деб илтимос қилмоқдалар.

Н. С. Хрушчев. Мен сизнинг фикрингизни тушуниб турибман, уни батамом маъқуллайман ва қўллаб-қувватлайман. Лекин бу масалани ҳал қилишнинг конкрет йўлларини қандай қилиб топиш мумкин. Буни ўйлаб кўриш керак. Бир директор капитал ремонтдан тежалган пулни реконструкцияга ишлатса, иккинчи директор уни бутунлай талон-торож қилиб юбориши мумкин. Буни қаёқдан билиб оласиз?

Я. Г. Соркин. Буни Бирлашма билан Халқ хўжалиги кенгаши тасдиқлаган пландан билиб олинади. Мен ўн йил заводга директорлик қилганман. Ускуналар соз бўлсин, деб ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб турар эдим. Капитал ремонтдан тежаб қолиб, корхона қувватларини кенгайтириш учун қўлимда маблағ бўлар эди. Ҳозир директор бундай қила олмайди. Бу масалада у ипсиз боғлаб қўйилган, ташаббус кўрсатиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйилган.

Н. С. Хрушчев. Биз бу масалани ўрганиб чиқиш, зарур ҳисоб-китоблар қилиб кўриш ҳақида топшириқ берамиз. Мен сизнинг таклифингизни диққатга сазовор, деб ҳисоблайман.

В. Е. Корнеев. Ишлаб чиқариш ходимлари номидан яна бир илтимосни айтишимга рухсат берсангиз. Ҳозир аслида заводларда енгил автомобиль транспорти йўқ. Бу нарса ишимизни қийинлаштириб қўйяпти. Бизда корхоналар кўпинча бир-биридан узоқ жойлашган бўлади. Бирон тармоққа тезроқ бориб, зарур ёрдамни кўрсатиш керак бўлиб қолади. Транспортнинг йўқлиги оператив раҳбарлик қилишимизга маълум даражада таъсир кўрсатяпти.

Н. С. Хрушчев. Сизнинг фикрингиз тўғри. Аммо, бу масалани бир оз бошқачароқ тарзда ҳал қилиш керак. Эҳтимол, химия соҳаси бўйича идора гаражига эга бўлганингиз маъқулроқдир. Бу гаражда бирон жойга бориб келиш учун фойдаланиладиган оператив машиналар бўлади. Инженер ёки директорнинг бирон ерга бориши керак бўлиб қолса, телефон қилиб, машина чақиртиради.

Овоз: Бир вақтлар бизда худди шундай қилинар эди.

Н. С. Хрушчев. Билмадим, ким бекор қилибди бу тартибни. Сизларда идора гаражи бўлиши керак ва ишга тааллуқли ҳамма борди-келдиларга дарҳол машина топиб берилиши лозим. Шу масалани ўзларингиз суриштириб кўриб, қарор қабул қилингиз, зарур бўлиб қолса, ўз таклифларингизни киритингиз. Саноатни ривожлантиришга тааллуқли саволларингиз яна борми?

З. Н. Нуриев. Никита Сергеевич, саноат ва қишлоқ хўжалик ходимлари билан суҳбатда берган маслаҳатларингиз учун Сиздан миннатдормиз. Бошқирдистон саноати ўз топшириқларини муваффақият билан бажаряпти. Сизни ишонтириб айтамизки, Бошқирдистон бинокорлари, химиклари, барча саноат ходимлари бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қила берадилар, партия қўйган вазифаларни муваффақият билан бажараверадилар.

Н. С. Хрушчев. Бошқирдистон Республикасининг ишчилари, колхозчилари, инженерлари, олимлари эришган ютуқлардан партия Марказий Комитети ғоят мамнун бўлмоқда. Сизлар катта ишларга қўл уриб, катта-катта вазифаларни ҳал қилишга қодир эканлигингизни кўрсатдингиз. Бошқирдистон меҳнаткашлари буни халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида намойиш қилдилар. Республика колхоз ва совхозлари 500 минг гектардан ортиқ қўриқ ерни ўзлаштирдилар. Бир неча йил муқаддам Бошқирдистон давлатга 50-55 миллион пуд дон берар эди. Бу йил камида 100 миллион пуд берамиз, деб комил ишонч билан айтяпсизлар. Республика сўнгги беш йилда давлатга ўрта ҳисобда 80 миллион пуддан ошиқ дон сотиб келди. Бу жуда қувончли нарса. Албатта, қишлоқ хўжалик соҳасидаги имкониятларингиз шу билан тамом бўлмайди. Ўғитлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинларининг энг яхши навларини эксангиз, ҳосилдорликни икки баравар кўпайтиришингиз, давлатга тағин ҳам кўпроқ дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар беришингиз мумкин.

Бошқирдистон меҳнаткашлари ўз республикаларининг қиёфасини ўзгартириб юбордилар. Бошқирдистон химия саноатининг энг замонавий корхоналари ишлаб турган ўлка, улкан химияни барпо этиш учун курашда ўзига хос мактаб бўлиб қолди. Урушдан аввалги йилларда бутун мамлакатимизда 21 миллион тонна нефть чиқарилар эди. Ҳозир эса биргина Бошқирдистоннинг ўзи йилига 40 миллион тоннадан ортиқ юқори сифатли нефть бермоқда. Нефтехимия саноатингиз яхши ишламоқда. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ютуқларингиз бор. Лекин эришилган натижалар билан хотиржам бўлиб қолиш ярамайди. Сизлар ғайрат билан обдон ишлашларингиз, ўнлаб қимматли химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олишларингиз керак. Бошқирдистон меҳнаткашлари улкан химияни барпо этишга энг салмоқли ҳисса қўшишлари лозим. Сизларга меҳнатда янги ютуқлар тилайман.

МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

КЎНГИЛДАГИ ГАП

Куни кеча КПСС Марказий Комитети Москва шаҳар Халқ хўжалиги кенгашига қарашли 15 корхона коллективларининг ҳар бир буюмни фойда кўриб ишлаб чиқариш юзасидан бошлаган ташаббусини маъқуллаганидан хабар топдик. Бу мақсадга эришиш учун ташаббускор корхоналарда янги прогрессив технологияни, узел ва деталларнинг янада мукаммалроқ конструкцияларини жорий қилиш, пластмассалардан кенг фойдаланиш, моддий ресурсларни тежаб-тергаб сарфлаш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш тадбирлари белгиланибди. Энг характерли нарса шуки, ташаббускорлар ўз олдиларига конкрет мақсад қўйганлар. Зарар кўриб ишлаб чиқарилаётган буюмларни корхонага фойда келтирадиган буюмларга айлантириш шиори ўртага ташланади.

Ташаббускор 15 корхона қаторида пойафзал корхоналари — «Заря» бирлашмасининг борлиги бизни қувонтирди. Биз бу коллективнинг 1964 йилда 10 та, 1965 йилда 8 та, 1966 йилда тўртта буюмни зарар кўрмаган ҳолда ишлаб чиқаришга эришиш юзасидан белгилаган тадбирлари билан танишиб чиқдик. Натижада ташаббуснинг моҳиятига янада чуқурроқ тушуниб олдик. Шу билан бирга корхонамизда айрим зарар кўриб ишлаб чиқарилаётган буюмларни фойда келтирадиган қилиш учун қандай тадбирлар белгилаш лозимлигини келишиб олдик.

Ҳозирги пайтда фабрикамизда ўттиз хил пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шундан атиги уч хил маҳсулотдан зарар кўряпмиз. Қолган 27 хил маҳсулотдан эса фойда олмоқдамиз. Аниқроғи, ҳар бир сўмлик маҳсулотимиз корхонага 13 тийин фойда келтиряпти. Лекин қолган уч хил маҳсулотимиздан фойда кўролмаётганимиз анчадан буён кўнглимизни хира қилиб келарди. Энди хатони тузатишга киришдик. Буюмларни зарар кўрмай ишлаб чиқариш мусобақасига қўшилдик.

Ҳозир болалар сандали ва ўқувчилар пойафзали ишлаб чиқаришдан зарар кўряпмиз. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнига янги прогрессив технологияни жорий қилиш, хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш, резервлардан фойдаланиш ҳисобига 1966 йилда зарар кўрмай ишлаб чиқаришга эришишни мўлжаллаяпмиз. Натижада корхонамизнинг янада рентабель ишлашига, маҳсулот сифатини оширишга муваффақ бўламиз.

Н. КОНДРАТЬЕВ.

Тошкентдаги 1. пойафзал фабрикаси директори.

СЎЗ—ТАЖРИБА-КОРЛАРГА!

ҲАР ҚАНДАЙ ХЎЖАЛИКНИ ҲАМ КЎТАРСА БЎЛАДИ

«БИЗ МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ДАРАЖАСИ ЖИҲАТИДАН ҚОЛХОЗЛАРНИНГ СОВХОЗЛАРДАН ОРҚАДА ҚОЛИШ САБАБЛАРИНИ ЧУҚУРРОҚ ЎРГАНИШИМИЗ, ҚОЛХОЗЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ СОҲАСИДА МАҲСУЛОТ БИРЛИГИГА МЕҲНАТ САРФИНИ КАМАЙТИРИШДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШГАН ИЛҒОР СОВХОЗЛАР БИЛАН ТЕНГЛАШИБ ОЛИШЛАРИГА ЭРИШУВИМИЗ КЕРАК».

Н. С. ХРУШЧЕВ.

«Тошработ»га келганимга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бултур декабрь ойининг ўрталарида Бухоро область партия комитетига чақириб қолишди. Обком секретари билан бўлган суҳбатимиз узоққа чўзилмади. Чунки вазифа аниқ, фақат тез орада жанговар ишга киришиш керак эди. Колхозчилар раисликка мени танлашибди, ишонч билдиришибди. Буни оқлаш зарур!

Шу ният билан «Тошработ»га жўнадим. Тўққиз йилдан буён пахта тайёрлаш планини бажара олмай келаётган, шу давр ичида хўжалиги анча заифлашиб қолган ана шу колхоз ишлаб чиқариши ҳамда экономикаси билан танишар эканман, шу кунгача ўзим раислик қилиб келган «Зарафшон» колхози билан бу хўжалик ўртасидаги жуда катта фарқ борлигини сездим.

Ўтган йили «Зарафшон» колхозида гектар бошига 28 центнердан ипак пахта ва 32 центнердан оқ пахта олинниб, ҳосилдорлик бир йил ичида ўртача 12 центнер ошган бўлса, «Тошработ»да гектаридан олинган пахта ҳосили 18 центнерни ташкил этган, холос. Колхоз плондагидан 800 тонна кам пахта берган.

Бу ерда хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ниҳоятда суст ривожланган. Ҳар юз бош совлиқдан 87 тадан қўзи, ҳар бир қўйдан эса атиги 320 граммдан жун олинган. Йил давомида ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут 750 килограммдан ошмаган. Бу—областнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам анча паст. Колхоз давлатга бор-йўғи 30 тонна гўшт сотган.

Ҳар қандай раҳбар ҳам тажрибага, оммага таянмасдан иш кўролмайди. Менинг ҳам колхоз ишлаб чиқаришида озми-кўпми тажрибам бор. 35 йилдан буён деҳончилик ичидаман. Қарийб саккиз йил Энгельс номли колхозда, сўнгра «Зарафшон» колхозида раис бўлиб ишладим. Ҳар иккала колхоз ҳам иқтисодий жиҳатдан камқувват, қолоқ ҳисобланарди. Лекин биз активлар ёрдами билан, меҳнат аҳлининг жонбозлиги туфайли бу хўжаликларни тиклаб олдик. Ҳозир улар Ғиждувон бошқармасидагина эмас, балки Бухоро областида юқори ҳосилли, бақувват, машъал колхозлардан ҳисобланади.

Демак, тажриба бор. Фақат ундан тўғри фойдаланиш лозим эди. Биз шундай қилдик ҳам. Даставвал, колхоз активлари билан дилдан гаплашдик, уларнинг қалбига йўл топдик. Сўнгра колхоз аъзоларининг умумий йиғилишини чақирдик, қолоқлик сабабларини рўй-рост айтиб бериштик. КПСС Марказий Комитетининг декабрь, февраль Пленумлари материалларининг мазмини чақдик, ҳар бир колхозчининг онгига етказдик. Қишлоқ хўжалигини интенсивлаш йўлига катта тадбирлар белгиладик.

Колхоз правлениеси бошланғич партия ташкилоти билан маслаҳатлашиб, баъзи бригада бошлиқларини алмаштиришни лозим топди. Бригадалар сони 24 тадан 22 тага келтирилди. Агроном Қосим Ярашев, Душам Худойбердиев ўртоқларини қолоқ бригадаларга бошлиқ қилиб юбордик.

Ички резервларни қидириб топиш ва улардан самарали фойдаланиш колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг диққат марказида бўлди. Бу резервлар асосан янги ерларни ўзлаштириш, экин майдонларининг унумдорлигини ошириш учун минерал ўғитлардан, техника воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, сувнинг қадрига етишдан иборат эди. Биз ана шу резервларни ишга сола бошладик.

Қиш серёгин ва қаттиқ келишига қарамай 225 гектар янги ер очиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритдик. Шундан кейин экин майдонларини текислаб, яхлитлаштирдик.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Тошработ» ерлари Бухоронинг шимолида жойлашган бўлиб, Ўртачўл ҳамда Конимех чўлларига туташ. Экин майдонларининг бир қисми «Зарафшон» дарёси бўйлаб 30 километрга чўзилиб кетганлиги учун бу ерлар захкаш. Қолган майдонларимиз тошлоқ ва қаттиқ тупроқ, шу сабабли бирга шўрхоқдир. Тошлоқ ерлар кўп сув талаб қилса, қаттиқ тупроқли ерлар унча сув ўтказмайди. Шунга кўра биз бу ерларнинг хусусиятига қараб «муомала» қила бошладик. Қаттиқ ерларни яхшилаб текисладик.

Мутахассислар билан биргаликда экин майдонлари структурасини ўрганиб бўлгач, технологик карта ва агрохимфинтехника планини тузиб чиқдик. Унда қайси картага қанча минерал ва маҳаллий ўғит бериш, қандай ҳайдаш, суғоришнинг норма ва тахминий муддатларини белгиладик. Масалан, захи юзага кўтарилган 500 гектар ернинг ҳар гектарига 80-100 тоннадан қум аралаш ариқ лойқаси солдик. Чунки, қумда органик ва оҳак моддалари бўлиб, у экин майдонлари структурасини яхшилашга имкон беради. 300 гектар бўз ерга неча юз тонналаб ариқ, эски ҳовли-жой тупроқлари, девор кесаклари солдик. Бу ҳам тупроқнинг унумдорлигини оширади.

Ерларнинг шўрини ювишга айниқса катта эътибор берилди. Пахта майдонларининг ҳаммаси пол олиниб, икки-уч марта суғорилди. Бунда сув ер юзасидан 20-25 сантиметр баландликда қалқиб турди. Бизнинг шароитимизда ҳам сув бир оз камчил. Агар сув сероб бўлиб, ерларни 40-50 сантиметр баландликда қалқитиб суғорсак, янада яхши бўларди. Негаки, сув босими қанча кўп бўлса, ернинг шўри шунча чуқурлашиб кетади.

Колхозда ўтган йили 697 тонна минерал ўғитнинг талай қисми очиқ ҳавода қолиб кетган экан. Биз бу йил ҳар бир тонна пахта етиштиришга 48 килограмм соф азот, 35,2 килограмм соф фосфор сарфлашга, шу йўл билан ҳар бир килограмм минерал ўғит ҳисобига намида 21 килограмм пахта етиштиришга қарор қилдик. Давлатдан 2200 тонна минераль ўғит олганмиз. Бунинг бир килограммини ҳам нобуд қилмасликка ҳаракат қилмоқдамиз.

Бундан ташқари, гектар бошига 20-23 тоннадан компост тайёрладик. Шу хусусда икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Биз 45 минг тоннадан зиёдроқ икки хил: нам ва намсиз компост тайёрладик. Нам компост тайёрлаш учун 4 тонна гўнг, бир тонна фосфор ва 16 тонна тупроқни қориштириб, трактор билан роса қўзғатиш, сўнгра сув қуямиз. Маълум вақт ўтиб чиригач, ерга соламиз. Намсиз компост тайёрлаш учун эса шунча доза оламиз-у, лекин сув қўймасдан ўз намига чиритамиз. Компост тайёрлашда гўнг ва ҳар хил чиқиндилардан фойдаланамиз. Турли чиқиндилар аралаштирилган компостни тоза ерларга, гўнг аралаштирилганини эса шўр, зах ерларга солдик.

Кузда ерлар бир оз кечикиб шудгор қилинган. Лекин, ҳайдов сифати ёмон бўлмаган. 200 гектар пахта майдони 30-32 сантиметр чуқурликда ағдариб шудгор қилинган.

Бироқ ноқулай об-ҳаво шароити натижасида чигит экишга анча кечикиб киришдик. Экишни май ойининг бошигача ўтказдик. Уст-устига ёмғир ёғиб турди. Аммо чигит тез униб чиқди. Дастлабки парваришни 15 майларда бошлаб юбордик.

Ғўзаларимиз энди қаддини ростлаб олганида карадрина пайдо бўлди. У 90 процент майдонгаи ниҳолга ёпирилди. Ҳамма бир тан-бир жон бўлиб, қашаротга қарши курашга отландик. 1500 одам, битта самолёт, бир нечта «ОДН» ва «ОУН» аппарати карадринани қирди. Пахтазорларда тунда 5000 та машъала ёниб турди. Амалга оширилган жуда катта тадбирлар туфайли энг зарарли офат — карадрина битта қолмай йўқ қилинди. Ғўзаларимиз яна қаддини ростлаб олди.

Турсун САЛИМОВ,
Ғиждувон бошқармасидаги «Тошработ» колхозининг раиси

◆ ◆

Икки минг гектар майдондаги ғўза қатор оралари ҳозиргача олти марта культивация қилиниб, тўрт марта суғорилди ва уч марта озиқлантирилди. Ғўза парваришини бир дақиқа ҳам сусайтирганимиз йўқ. Яқинда колхоз активлари билан йиғилиш ўтказиб, унда хоразмлик пахта устаси Искандар Юсуповнинг хатини яна бир марта муҳокама этдик. Август ва сентябрь ойларида қилинадиган ишларни белгилаб олдик ва ҳар бир колхозчига етказдик. Колхозимиз аъзолари бу йил чигитнинг анча кечикиб экилганлигини, карадрина пайдо бўлиши оқибатида ғўзалар бир неча кунга ўсишдан кечикканлигини ҳисобга олиб, ғўза парваришини 15 сентябргача давом эттиришга қарор қилдилар.

Шу неча-кундузда 32 культиватор ғўза қатор оралари ишламоқда, 316 киши ғўзаларга сув тарамоқда, 196 киши «шарбат» оқизмоқда. Ҳа, биз «шарбат» оқизишга алоҳида қишилар ажратганмиз. Чунки бу иш жуда мураккаб бўлиб, «шарбат»ни бир меъёрда оқизиши, ҳар туп ғўза томирига сингиб боришини таъминлашни талаб этади. Шунинг учун ҳам «шарбат»чиларга алоҳида норма белгилаб қўйибмиз. Бир сувчи тунда 0,40 гектар ғўза суғорса, «шарбат»чи 0,25 гектар ғўзани «шарбат»га қондиради. «Шарбат» асосан ўсишдан орқада қолган ғўзаларга берилляпти.

Бу йил 500 гектар ердаги пахтани машинада териб олмоқчимиз. Бунинг учун ана шу майдондаги ғўзалар алоҳида парвариш қилиняпти. Колхозда олтита «ХВС-1,2» агрегати бор эди. Яна учта машина сотиб олиб, «зангори немислар сонини 9 тага етказдик. Улар теримга шай қилиб қўйилган.

Колхозчиларимиз механизациянинг қудратли кучига таяниб, 2000 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» топширишга аҳд қилишган. Фармон Муродов, Ҳамид Кенжаев, Қурбон Фармонов, Эргаш Кенжаев, Қосим Ярашев ўртоқлар бошлиқ бригадалар эса ҳар гектар ердан 30-35 центнерга етказиб пахта кўтариш мажбуриятини олганлар. Ҳозир ҳар туп ғўзада 6-7 тадан тўқ кўсак бор.

Гулга-гул, кўсакка-кўсак қўшиш ва ҳар туп ғўзани серҳосил қилиб ўстиришда тракторчиларимиздан Келди Муродов, Раим Пўлатов, Мирза Муродов, Прим Баратов, сувчи ҳамда «шарбат»чиларимиздан Ҳолмурод Абдуллаев, Аълам Баратов, Одил Хўжаев, Уммат Рўзиев, Жаббор Ҳосилов, Шойим Ойназаров, Қувон Пўлатов ва бошқа ўртоқлар жонбозлик кўрсатишяпти. Биз ана шундай илғор пахтакорлар кучига суянамиз ва ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаймиз. Бу йил пахта тайёрлаш давлат планининг ошиғи билан бажарилиши учун ҳамма асос борлигини кўриб қувонаётган азамат колхозчиларимиз шу неча-кундузда ғўза парваришини ҳарқачонгидан ҳам қизитиб юбордилар. Улар учун қулай иш шароитлари яратиб берилганлиги туфайли ҳам иш унуми тобора ортиб бораётир.

Хўжаликнинг бошқа соҳалари тўғрисида ҳам икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Колхоз тўққиз йилдан буён фақат пахта планини эмас, балки бошқа маҳсулотларнинг кўпгина турлари бўйича ҳам планларни бажара олмай келган. Биз бунга бундан буён асло йўл қўймасликка аҳд-паймон қилдик. Шу муносабат билан бир қанча тадбирларни кўрдик. Натижада гўшт сотиш ярим йиллик планини оширяб бажардик. Қоракўл тери топшириш плани 120 процент, дон мажбурияти 130 процент адо этилди. Ўтган йили шу вақтгача топширилганидан 55 тонна кўп сут бердик. 30 гектар ерга қовунтарвуз экиб, ҳозиргача 45 тонна полиз маҳсулотлари сотдик. Яна 130 тонна қовун-тарвуз топширишни мўлжаллаб турибмиз.

Ўтган йили 30 тонна гўшт, 30 тонна сут, 1200 дона қоракўл тери, 290 тонна узум ва бошқа маҳсулотлар етиштирилган эди. Бу рақамлар бизни мутлақо қаноатлантирмайди. Бу йил 202 тонна сут, 110 тонна гўшт, 450 тонна узум етиштирамиз. Жун етиштиришни бир йил ичида қарийб уч баравар кўпайтирамиз.

Колхознинг умумий даромадини бултургига нисбатан 1,8 марта оширишни мўлжалламоқдамиз. Ҳар бир гектар суғориладиган ердан 1500 сўм соф фойда оламиз. Бу ўтган йилдагидан қарийб икки баравар кўп бўлади.

Бу йил республикамиз ва Узбекистон Компартияси. нинг шонли қирқ йиллигини нишонлар эканмиз, шу улуғ тўйга муносиб тўёна билан боришни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Биз бутун кучимиз, билимимиз, тажрибамизни партиямиз белгилаб берган коммунизм Программасини амалга оширишга сарфлаймиз.

МАШЪАЛ БАЛИҚЧИЛАР

«Коммунизм» колхози Мўйноқ районидаги энг йирик балиқчилик хўжаликларидан бири. Хўжалик аъзолари Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартияси 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақага қўшилиб, балиқ овлаш квартал ва ойлик топшириқларини оширяб бажаряптилар.

Бибигул Наженова раҳбарлиқ қилаётган бригадада 34 балиқчи ишлаяпти, улар иккинчи квартал да 1830 центнер ўрнига 3246 центнер балиқ овлаб, планни 178 процент бажарди.

Колхоз балиқчилари йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИда босилгандан кейин

«РЕМОНТИ ЧАЛА МАШИНАЛАР»

Узбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрининг ўринбосари В. Ражабов «Совет Узбекистони» газетасининг шу йил 4 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола муносабати билан редакцияга қуйидагиларни хабар қилди.

Танқидий мақолада келтирилган фактлар текширишда тасдиқланди. Ленин районидаги 41-автомобиль базасида автобусларда самарали фойдаланиш тадбирлари белгиланди. Илгари гаражда 10-15 кунлаб туриб қолган «ПАЗ-651» автобуслари ишга туширилди. Ҳозирги вақтда автомобилларни капитал ремонтга қабул қилишнинг янги тартиби жорий этилди. Капитал ремонт ва машиналарни тегишли жойларга етказиб бериш марказлаштирилган тартибда олиб борилмоқда. Ремонтга келтирилган автомобилларни шоферлар эмас, балки инженер-техник ходимлар қабул қилади. Аниқланган камчиликларни завод механиклари бартараф этади.

ВЕТЕРАНЛАР

ТУРКИСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ТУЗИЛГАН КУННИНГ 45 ЙИЛЛИГИГА

◆ ◆

Сиз суратда кўриб турган сиймоларининг ҳар бири ҳақида катта китоблар ёзиш мумкин. Ўз фаолиятини улуғ Ленин ишига, революция ишига бағишлаган бу кишиларнинг ҳаёти мазмунли ва ажойиб воқеаларга тўладир. Улар ўз ҳаёт йўлларида кўп синовлардан ўтдилар, кураш бўронларидан мардонавор чиқдилар. Ана шу йиллар мобайнида улар она-Ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини, коммунизм ишига чексиз садоқатларини иш ва сўз билан исботладилар.

Суратда биринчи қаторда ўртада уч олтин юлдуз кавалери Ҳамроқул Турсунқулов ўтирибди. Бу донгдор пахтакорни Ватанимизнинг ҳамма ерида яхши билишади. Лекин, у граждан уруши қаҳрамонларидан бири эканлигини, Октябрнинг алангали кунларида қўлда қурол билан олдинги сафда борганлигини кўп ёшлар билишмаса керак. Ҳамроқул Турсунқуловнинг жанговар ишлари ҳақида Фарғона область қўшинларининг собиқ қўмондони, запасдаги генерал-лейтенант А. И. Тодорский ҳаммадан кўпроқ билади. Сиз бу кишини суратда Ҳ. Турсунқуловнинг ўнг томонида кўриб турибсиз.

— Граждан урушининг дастлабки кунларида Ҳамроқул Турсунқулов Совет ҳокимиятини ҳимоя қилувчилар сафидан ўрин олди, — деб ҳикоя қилади генерал-лейтенант. — Ўзбек халқининг бу баҳодир фарзанди кўпгина қаҳрамонликлар кўрсатди.

Генерал А. И. Тодорскийнинг ўзи ҳам граждан урушининг биринчи кунлариданоқ Совет ҳокимиятини қаҳрамонона ҳимоя қилганлар сафига ўтган кишилардан. Унинг тақдири жуда ажойиб. У 1918 йилдан КПСС аъзоси. 1918—1919 йилларда Твер губернаси Весьегонский уезд ижроия комитетида ишлади. Ўша пайтда у «Милтиқ ва омоч билан ўтган бир йил» деган китоб ёзди. В. И. Ленин бу китобга юксак баҳо берди. Доҳий партия XI съездида қилган докладида А. И. Тодорскийнинг бу асарини ажойиб китоб деб атади. 1919 йилда А. И. Тодорский Қизил Армия сафида хизмат қилди. Деникинга қарши курашди, Доғистон, Арманистон, Озарбайжонда Совет ҳокимияти душманларига қарши жанг қилди. Ўрта Осиёда контрреволюцион кучларни тор-мор қилишда унинг хизматлари катта. У 1923—1924 йилларда 2-Туркистон дивизияси, Фарғона қўшинлари группаси, 12-ўқчилар корпусига командирлик қилди. У Туркистон фронти Ҳарбий-Революцион Советининг аъзоси, Туркфронт қўмондонининг ёрдамчиси бўлди, Фарғона область партия ташкилотининг аъзоси ҳамда Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг аъзолигига сайланди.

Генерал-лейтенант А. И. Тодорский ва Ҳамроқул Турсунқулов, шунингдек туркистонлик бир неча ветеранлар КПСС XXII съезди ўз ишини давом эттираётган кунларда Москвада учрашишди. Қуйидаги сурат ана шу вақтда олинган эди.

1917 йилдан КПСС аъзолари генерал Я. Д. Чанишев (1-қаторда чапда) ва Я. С. Шарабурко (2-қаторда, чапдан иккинчи) Совет ҳокимияти учун курашда революцияга хизмат қилишнинг ажойиб намуналарини кўрсатишди. Бу кишиларнинг ҳаёти Ўрта Осиё ва Қозогистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш билан чамбарчас боғланган. Я. Д. Чанишев алоҳида бригаданинг комиссари, Я. С. Шарабурко эса дивизион командири эдилар. Жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари учун икковлари ҳам Қизил Байроқ орденлари билан мукофотланган.

Туркистон коммунистлари ўртоқ Чанишевни Москвага, партия X съездига делегат қилиб юборган эдилар. Я. Д. Чанишев съездда доҳий Ленинни кўрди ва унинг оташин нутқини эшитди. — Биз залга кирганимизда, — деб ҳикоя қилади у, — таажжубдан ва ҳаяжондан бир нафас тик туриб қолдик. Стуллардан бирида Владимир Ильич ўтирибди, бошқалар қаторида съезд анкетасини тўлдираётган экан. В. И. Ленин бизнинг кийимбошимизга бир назар ташлашдаёқ қаердан келганлигимизни билиб олди. Ғоят самимий кўришди. Кейин съездда учрашармиз деб чиқиб кетди. Ильичнинг ҳамиша барҳаёт сиймоси ҳамон кўз олдимда.

Революция ветеранлари Я. Д. Чанишев ва Я. С. Шарабурко ўтган йили Узбекистонга келиб, жанговар ёшликлари ўтган ерларни бориб кўрдилар. Улар республика меҳнаткашлари, ёшлар, солдатлар билан қизғин учрашувлар ўтказдилар. Сафдош дўстларини ёдга олдилар.

Ветеранлардан бири Павел Михайлович Богомолов (иккинчи қаторда ўнгдан иккинчи) Фарғона жанговар райони разведкасининг бошлиги эди. У билан ёнма-ён бир сафда туриб, А. С. Черняков ҳам (2-қаторда ўнгдан биринчи) жангларда қатнашди. А. С. Черняков 1918 йилда Мари милициясининг бошлиги, Закаспий фронтида Мари Қизил гвардия отрядининг командири бўлди. 1918 йилнинг охиридан то 1919 йилнинг октябригача Фарғона ҳарбий комитетига бошчилик қилди. 1923 йилда эса Полтарацкий команда постларининг бошлиқ-комиссари бўлди.

Туркистон округи қўшинларининг жанговар йиғилмасига кўкрагида Олтин Юлдуз порлаб турган генерал В. Т. Обухов (иккинчи қаторда ўнгдан учинчи) ўз жасорати ва қаҳрамонлиги билан кўпгина ёркин саҳифалар қўшди. У 1918 йилдан КПСС аъзоси, граждан уруши йилларида биринчи Туркистон отлиқлар дивизияси ўзбек полкининг командири эди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса йирик бронетанк бирлашмаларига командирлик қилди.

...Революция шуҳрларини халқимиз эъзозлаб ветеранлар деб аташади. Бу сўзда кекса авлодга, Ленин гвардиясининг ажойиб жангчиларига халқнинг, меҳнаткашларнинг меҳр-муҳаббати, ҳурмати ифодаланган. Авлодлар партия, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилишни улардан ўрганади, намуна олади.

Е. ГРИГОРЬЕВ.

Суратда: бир группа ветеранлар.

СЎНГГИ БОШОҚҚАЧА

Республикамиз катта хирмон кўтарди. Дон сотиш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажардик. Эл-юрт бизга ғаллакорлардан бениҳоя хурсанд бўлди.

Юбилей йилида ана шундай мисли кўрилмаган ғалабага эришишимиз тасодифий эмас. Барча ғаллакорларимиз ҳалол тер тўкиб, астойдил меҳнат қилдилар. Экин майдонларини яхши ҳайдаб, дон сепдилар. Сугориладиган ерлардаги ғалла майсаларини меҳр-муҳаббат билан парвариш қилдилар. Бунда минерал ўғитлардан оқилона фойдаланилдик.

Ламинкорликдаги ишларимиз ҳам чакки бўлмади. Жуда катта майдонларда сердон, салмоқдор бошоқлар етиштирилди. Биргина бизнинг «Кўкдала» совхозимиз ҳозиргача мамлакатимизга 800 минг пуд дон армуғон қилди. Хўжалигимиз бўйича бунча дон ҳеч қачон етиштирилган эмас. Ғаллакорларимиз миллион пуд дон учун курашни бир лаҳза ҳам бўшатиргилари йўқ.

Совхозимиз, шунингдек республикамиз ғаллакорлари томонидан социалистик мажбуриятнинг муддатидан анча илгари ошиғи билан адо этилганлигига биз комбайнчилар ҳам муносиб ҳисса қўшдик, деб айта оламиз. Чунки комбайнлар ўрим-йиғимда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Шу кунга қадар 550 гектар майдоннинг галласини ўрдим. Ана шунча ердан 6000 центнердан зиёдроқ дон олиндн. Ламинор ерларда гектаридан 11-12 центнерга етказиб ҳосил кўтардик.

Ҳали далаларимизда галла кўп. Биз етиштирилган ҳосилнинг сўнгги бошоғигача ўриб-йиғиб олиш учун бундан буён ҳам жонбозлик кўрсатиб ишлаймиз ва республикамиз томонидан қабул қилинган қўшимча мажбуриятнинг ҳам бажарилишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Холмат ҚОДИРОВ,
Қашқадарё областидаги «Кўкдала» совхозининг комбайнчиси.

ТЎРТ ҲИССА КЎП

Янгиқўрғон ғаллакорлари она-Ватан омборларига 175 минг пуд дон етказиб бериб, областнинг ғалла хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўтган йилдагига қараганда давлатга қарийб тўрт ҳисса кўп дон сотилди. Марғани биринчилар қаторида эгаллаган «Победа», «Шарқ юлдузи», Карл Маркс номли, «Узбекистон», «Ленинизм», Ильич номли колхозларнинг ғаллакорлари мажбуриятдагидан ҳам анча кўп дон етказиб бердилар.

Бошқарма хўжаликлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, мамлакатга яна 320 тонна дон етказиб бериш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ.
С. ТУРҒУНОВ.

Ҳатлардан сатрлар

ФАРҒОНА. Охунбобоев бошқармасидаги Карл Маркс номли колхозда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш университети очилди.

Ҳ. Орипов.

●

СИРДАРЁ. «Ховос» совхозининг марказида янги аптека ишга туширилди.

У. Тожиев.

●

ТОШКЕНТ. Оққўрғон матлубот жамияти ҳузурида магазин ходимлари тайёрлаш 6 ойлик курси очилди.

Н. Сайдинохунов.

ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕР

А. И. УЛЬЯНОВА — ЕЛИЗАРОВАНИНГ ТУҒИЛГАНИГА 100 ИИЛ ТЎЛДИ

Владимир Ильич Ленининг опаси, профессионал революционер, Коммунистик партиянинг кўзга кўринган арбоби Анна Ильинична Ульянова — Елизарованинг туғилганига кеча 100 йил тўлди.

Оила аъзоларининг тарбияси, революцион-демократик адабиётлар ҳамда кишилар билан яқиндан алоқада бўлиш Анна Ильиничнанинг дунёқарашини революцион тарада шакллантириш учун катта имкон берди. У гимназияни тамомлаганидан кейин 1880 йилда бошланғич мактабда ўқитувчилик қилди. 1883 йилда Петербургга бориб, Бестужев номли олий хотин-қизлар курсида, таълим олди.

Революцион ҳаракат руҳини ўзига сингдирган Анна Ильинична 1886 йилда студентлар томонидан Н. А. Добролюбов вафотининг 25 йиллиги муносабати билан уюштирилган сиёсий демонстрацияда актив иштирок этади. Анна Ильинична Александр III га суиқасд уюштиришда қатнашган деб айбланиб, 1887 йилнинг 1 мартида қамоққа олинади ва беш йил қамоққа ҳукм қилинади. Профессионал революционер Анна Ильиничнанинг фаолияти халқ озодлиги учун курашга бағишланганлиги сабабли чоризмнинг қаттиқ таъқиби остида у бир неча бор қамоққа олинади ва сургун қилинади.

Анна Ильинична Владимир Ильич билан биргаликда Кокушкинога сургун қилинади, шундан кейин полиция назорати остида Алакаевка қишлоғида яшайди. У ҳар қандай таъқиб ва сургун қилинишига қарамай, содиқ марксист бўлиб етишади. У ўзининг эсдаликларида Владимир Ильич Ленин Маркс назариясининг асослари ҳақида ва бу назария янги жамият қуриш учун курашда ажойиб қўлланма бўлиши тўғрисида мароқли ҳикоя қилиб берганлигини эслатади.

1893 йилда Анна Ильинична Москва социал-демократларининг ишига актив иштирок этади, ишчилар билан ва уларнинг тўгараклари билан алоқа боғлайди. 1898 йилда Анна Ильинична РСДРП биринчи Москва Комитети составига киритилади. Владимир Ильич Ленин Сибирда сургунда бўлган вақтида Анна Ильинична уни Россиядаги ишчилар ва социал-демократлар ҳаракатининг ўсиб бораётганлигидан хабардор қилиб турди.

Анна Ильинична Москва ва Петурбургда катта ташкилий ишлар олиб бориб, қанчалик банд бўлишига қарамай, доимо Владимир Ильични зарур адабиётлар билан таъминлаб турди. Жумладан, у В. И. Ленинниг «Россияда капитализмнинг тараққий этиши» асарини яратиш учун зарур бўлган адабиётлар билан таъминлаб турди ва 90-йилларнинг охирида ана шу китобни нашр этишга тайёрлади.

Анна Ильинична 1900 йилнинг ёзидан то 1902 йилнинг кузигача чет элда бўлиб, ленинча «Искра» газетаси ишида актив иштирок этди. У биринчи рус революцияси йилларида нолегал большевистик газеталарда ишлади, «Вперед» газета редакциясининг аъзоси бўлди, ўша вақтда чет элда бўлган большевиклар партияси Марказий Комитети билан доимо алоқа боғлаб турди. Столипин реакцияси даврида партия оддида пролетар партиясининг назарий асосларини ҳимоя қилиш, партия кучларини Марказий Комитет раҳбарлиги атрофига бирлаштириш вазифаси турган огир ва масъулиятли дақиқаларда Анна Ильинична доимо В. И. Ленинга ёрдам берди.

А. И. Ульянова — Елизарова 1912-1914 йилларда «Правда» газетасида, большевистик «Просвещение» журналида актив қатнашади, «Работница» журналида кўп вақт редакторлик қилади.

Анна Ильинична биринчи жаҳон уруши йилларида жуда катта революцион жасорат кўрсатади, партияга маблағ йиғиш ишида жонбозлик қилади. Февраль революцияси арафасида Анна Ильинична қамоққа олинади, орадан кўп вақт ўтмай, қўзғолон кўтарган халқ томонидан озод қилинади. Сўнгра у «Правда» редакциясида секретарь бўлиб ишлайди.

Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилганидан кейин Анна Ильинична ўзининг бутун фаолиятини янги жамият қурувчи ёш авлодни тарбиялаш ишига бағишлайди. Маориф Халқ Комиссарлигида болаликни ҳимоя қилиш бўлимига бошчилик қилади. У 1921 йилда Истпарт (Октябрь революцияси ва Коммунистик партия тарихи учун материаллар тўплаш ва ўрганиш Комиссияси)да, ундан кейин эса Маркс — Энгельс — Ленин Институтида ишлайди. У бир қанча қимматли асарлар яратди. «Александр Ильич Ульянов ва 1887 йил 1 март иши», «Ильич тўғрисида хотиралар», «Ильичнинг болалик ва ўқувчилик йиллари» сингари асарлар яратди.

А. И. Ульянова — Елизарова 1935 йилда вафот этди.

Анна Ильинична оташин революционер, мустаҳкам иродали коммунист эди. Унинг ҳаёт йўли коммунизм кураётган совет кишилари учун намунадир.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Коммунизмнинг моддий-техника базаси. Қисқа справочник. 152 бет. тиражи 10.000, баҳоси 11 тийин.

И. РАҲМАТОВ, В. ЕПИФАНОВ. Штатсиз бўлимлар ишга киришгач. 76 бет, тиражи 3.000, баҳоси 5 тийин.

СССРдаги географик номлар луғати. (русча—ўзбекча). Тузувчилар: С. Қораев, М. Тешабоев. Махсус редактор география фанлари кандидати М. Қориев. 280 бет., тиражи 7.000, баҳоси 1 сўм 30 тийин.

Узбекистон ССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Аъзам МИРАҲМЕДОВ. Сени дерман... Янги ҳикоялар. 92 бет, тиражи 15.000, баҳоси 6 тийин.

Ҳабибулла ҚОДИРИЙ. Нилуфар. Ҳикоялар тўплами. 64 бет, тиражи 15.000 баҳоси 5 тийин.

Сами АБДУҚАҲҲОР. Чароғбонлар. Очерклар тўплами, 72 бет, тиражи 15.000, баҳоси 8 тийин.

3-СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

14 АВГУСТ 1964 ИИЛ
№ 189 (12.843).

БИЗНИНГ ПОЧТА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ОММАВИЙ ИШЛАР ВА ХАТЛАР БЎЛИМИДА

Кеча редакция область мухбирлари, штатсиз мухбирлар, пост аъзолари ва газетхонлардан 85 хат олди. 75 хат бўлимларга чиқарилди, 10 хат текшириб чора кўриш учун тегишли ташкилотларга юборилди. Қуйида кечаги почта материалларидан айримлари билан танишасиз.

118 МУТАХАССИС

Қўқон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш техникумини 118 киши битириб чиқди. Улар республикамизнинг Сирдарё, Қашқадарё, Андижон ва бошқа областларига жўнаб кетдилар.

У. Назаров.

ОБОД ҚИШЛОҚ

Амударё районидаги Крупская номли колхоз қишлоғи йил сайин обод бўлмоқда. Мангит қурилиш конторасп колхозга учта касалхона, меҳмонхона қуриб берган эди. Ҳозир кўп ўринли клуб, идора ва омбор қурилмоқда.

Ю. Раҳимбоев.

ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?

Сурхондарё область матлубот жамияти кенг истеъмол буюмлари билан савдо қилишга етарли эътибор бермаяпти. Кўпчилик районлардаги магазинларда чойнак, пиёла, лампашиша, шнур, велосипед, мотоцикл камери ва покришкаси, термос ва бошқа энг зарур буюмлар билан савдо қилинмайди. Харидорлар бундай буюмларни бошқа жойлардан харид қилмоқдалар. Бундай аҳволга қачон чек қўйилади?

Х. Хўжамқулов.

КЎПРИК ҲАНГОМАСИ

Янги суғориш шохобчаси очилиши муносабати билан Олтиариқ район марказидан Чимён, Фарғона ва бошқа томонларга борадиган йўллардаги кўприклар бузилган эди. Орадан анча вақт ўтди. Лекин кўприк қурилмади. Ҳозир меҳнаткашлар 7-8 километр ортиқча йўл босиб овора бўлмоқдалар. Район сув хўжалиги бўлимининг бошлиғи ўртоқ Ў. Жўраев аҳолининг ҳақли талабини қачон қондирар экан?

М. Мадалиев.

ҲАМИША ҚУЛФ

Ўрта Чирчиқ район Болғали қишлоғидаги клуб биноси магазин омборига айлантириб юборилганига анча бўлди. Оқибатда совхоз ишчилари кино кўришдан маҳрум бўлиб қолдилар. Ишчиларнинг клубни бўшатиб бериш ҳақидаги таклифини совхоз директори С. Обидов ва партия ташкилотининг секретари И. Султонов ўртоқлар эшитишни ҳам хоҳламаётирлар.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Республикамизнинг шаҳар ва район меҳнаткашларидан Т. Ортиқова, А. Тартоулов (Тошкент шаҳри), А. Жуманов, С. Усмонов (Бўка райони), А. Абдунабиев, И. Юсупов (Самарқанд), Е. Муҳаммадиев (Каттақўрғон райони), М. Раҳматов (Нурота), М. Султонов (Қўқон), М. Раҳимов, А. Солиев, М. Маматқулов (Киров райони), У. Қамбаров, А. Қодиров, О. Ҳамидов (Фарғона), М. Азизов, Г. Воҳидов (Андижон), М. Маъмуров (Москва), Т. Рўзиев, М. Аҳмедов (Бухоро), Э. Рўзибоев (Сирдарё), С. Тўхтаев (Ғузор райони), З. Шамсутдинов (ҳарбий қисм) ўртоқлар юборган хат-хабарларда ҳам ишимиздаги муваффақиятлар, йўл қўйилган нуқсонлар ҳақида гап боради.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига Тошкент чинни заводи коллективи чиройли чинни идишлар — эсдаликлар тайёрламоқда. Сиз суратда (чапдан): буюмларга форма тайёрловчилар Мунаввар Маъдиева, Марғуба Шермуҳамедова, Вазира Алиева ва Насиба Тоҳирова ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар кунлик топшириқларини 130 процентдан ошириб адо этишмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ФУТБОЛ

ИККИНЧИ ДАВРАДА БИРИНЧИ ҒАЛАБА

Кейинги кунларда футбол шинавандаларини «Пахтакор»га нима бўлди, иккинчи даврада нега биронта ғалаба қозонмади, деган савол қизиқтирмоқда.

Ахир «Пахтакор» 12 -ўйиндан 17 очко тўплаб, тўплар нисбати 26-12 бўлган ҳолда биринчи давра шунқори бўлган эди-ку. Иккинчи даврада эса қатор мағлубиятга учради. Бунга сабаб шуки футболчиларимиз рақиб майдонида ўйнай олмаслик касалига ҳали ҳам барҳам берганлари йўқ. Шунингдек, ҳимоячиларимиз яхши ўйнай олмайдилар. Ҳужумчиларимизда эса ҳамжиҳатлик йўқ. «Пахтакор»нинг еттиликда қолиб, финалга чиқиши учун қолган уч ўйинда албатта ғалаба қозониши керак. Бунинг учун қолган ўйинларни юқори савияда ўтказиш, бутун имкониятлардан тўғри фойдаланиб, кучлилар группасига қайтиш учун ҳаракат қилиш керак.

«Пахтакор»нинг «Заря» (Луганск) билан бўладиган учрашувини кўриш учун 12 августда марказий «Пахтакор» стадионига футбол ишқибозлари тўпландилар.

Ўйин кутилгандек «Пахтакор»нинг ҳужуми билан бошланди. Ўйиннинг 3-минутида Тожиров оширган тўпни Малиновский дарбозага киритиб ҳисобни очди. Ғалабадан руҳланган майдон эгалари ҳужумни яна активлаштирадилар. Лекин дарбоза олдида эсанкираб қолдилар. Шунга қарамай ўйиннинг биринчи ярми охирида Раҳматуллаев ҳисобни 2:0 га етказди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида меҳмонлар мағлубиятдан қутилиш учун кўп ҳаракат қилдилар. Ҳар иккала команданинг уринишига қарамай ўйиннинг охиригача ҳисоб ўзгармади.

Шундай қилиб «Пахтакор» муҳим икки «олтин» очкони қўлга киритди.

Ҳ. ЮНУСОВ.

Қолган ўйинлар қуйидаги натижаларни берди. «Строитель» — «Авангард» — 1:0, «Жальгирис» — «Динамо» — 1:1, «Даугава» — АСК — 1:0, «Волга» — «Кубань» — 1:1.

Командаларнинг 14 августгача турнир жадвали қуйидагича:

□ □

Командалар	Ўйин	Тўплар	Очко
«Авангард»	21	29—16	27
«Черноморец»	22	26—21	26
«Жальгирис»	22	27—25	25
«Пахтакор»	22	34—24	23
«Заря»	21	21—14	23
«Локомотив»	22	24—20	23
«Кубань»	22	21—20	22
«Даугава»	21	21—20	21
АСК	22	20—25	20
«Динамо»	21	19—23	19
«Строитель»	22	20—34	19
«Волга»	20	19—22	18
«Энергетик»	22	14 31	14

СОВЕТ МАКТАБИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Ишлаб чиқариш таълими жорий қилинган ўрта умумий таълим меҳнат политехника мактабларида ўқиш муддатини ўзгартириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Шу муносабат билан ТАСС мухбири В. Головко РСФСР маориф министри Е. И. Афанасенкога мурожаат қилиб, бир қанча саволларга жавоб беришни сўради.

РСФСР маориф министри Е. И. Афанасенко қарорни шарҳлайди

□ □

Савол: Ушбу қарор мактаб ҳаётига қандай янгилик киритади?

Жавоб: Мактабнинг турмуш билан боғланишини мустаҳкамлаш тўғрисида ва мамлакатда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақида Қонун қабул қилинганига беш йил бўлди. Шу вақт ичида тўпланган катта тажриба таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб боришдан иборат ленинча принципни амалга ошириш мактабдаги бутун таълим ва тарбия ишини яхшилашга ёрдам берганлигини кўрсатди. Бироқ, ўша беш йил ичида бошқа бир хол ҳам аниқланди: бир қанча ихтисослар бўйича ўқувчилар 1-2 йил ўқиш давомида, яъни 9-10 синфларда касб эгалладилар, шундан сўнг халқ хўжалигида ишлай оладиган бўлиб қолдилар. Ушбу қарор ўрта мактабларда ўқиш муддатини қисқартириб, 11 йилдан 10 йилга келтиришни кўзда тутади. Бу хол аввалги ўн йиллик мактабга қайтишни сира билдирмайди. Ўрта мактаб келгусида ҳам ишлаб чиқариш таълими жорий қилинган меҳнат политехника мактаби сифатида ривожланиб боради. Лекин таълим ишлари рационал қурилади. Мактаб ўқувчилари кенгроқ кўламда умумий техника тайёргарлигига, амалий малакаларга ва халқ хўжалигининг муайян тармоқларида касбга эга бўлишлари мумкин бўлади.

Савол: Мактаблар янги ўқув йилида қандай ишлайди?

Жавоб: Ҳамма типдаги мактабларнинг I-VIII синфларида машғулотлар 1 сентябрдан бошлаб илгари амалда бўлган ўқув планлари ва программаларга мувофиқ ўтади. 10 ва 11-синфларга келадиган ўқувчилар ҳам амалдаги планларга мувофиқ ўн бир йиллик мактабни ўз вақтида тамомлайдилар. 9-синфга келадиган мактаб ўқувчилари эса ўрта мактабни икки йилда, яъни 1966 йил баҳорида тамомлайдилар. Улар махсус ўтиш ўқув плани асосида ўқийдилар. Ўқиш муддатини қисқартириш касб ўрганишга сарф қилинадиган вақтни бирмунча камайтириш ҳисобига амалга оширилади. Бироқ, 10 ва 11-синфларда ишлаб чиқариш практикаси учун махсус вақт ажратилади.

Савол: Янги қарор қабул қилиниши муносабати билан халқ маорифи ходимлари олдида қандай янги вазифалар турибди?

Жавоб: Аввало, ҳар бир мактаб учун юқори синф ўқувчиларини меҳнатга тайёрлашнинг йўналишини белгилаб қўйиш, тўққизинчи синф ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш керак. Мактабнинг фабрикалар, заводлар, колхозлар, совхозлар билан боғланишини янада кучайтириб, бу муҳим ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш зарур. 1966 йилда ўрта мактабни икки синф — 10 ва 11-синфларнинг ўқувчилари битириб чиқади. Шу сабабли ҳозирнинг ўзида халқ маорифи органлари партия, совет, комсомол ва хўжалик ташкилотлари билан биргаликда уларни ишга жойлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишлари лозим.

Партия Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг янги қарори, деди пировардида Е. И. Афанасенко, партия ва ҳукуматнинг ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларидан далолат беради. Табиийки, бу қарор совет ўқитувчиларини партия Программасидан, мактаб ҳақидаги Қонундан ва КПСС Марказий Комитети июнь Пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган масъулиятли вазифаларни ҳал этишга сафарбар қилади.

МАЪМУРЧИЛИК *ЛАВҲА*

«Политотдел» колхози қишлоқларида ҳаёт жуда барвақт бошланади. Чигирткалар овози тиниб, хўрозларнинг биринчи чақириғидан кейиноқ қишлоқ жонланади. Йўлга биринчи бўлиб сувчилар чиқади. Баланд Бешик тоғ орқасидан қуёш мўралаганда колхоз сувчилари 2-3 гектар ерни суғоришган, культиваторчилар кунлик нормаларини яримлатиб, конуштага ўтиришган бўлади.

Худди соат еттида дала шийпонининг ошхоналаридан тутун чиқиб, шўрва тайёр бўлади. Колхоз заказ бюросидан сут, гўшт, нон юклаб олган мотороллерлар тўғри дала шийпонларига келиб буюрилган нарсаларни эгаларига тарқатади.

Москвалик ҳамроҳимиз қишлоқ ҳаётидан таажжубландими савол бериб қолди:

— Хонадонларда кундузи кимлар қолади? Ҳовли-жойларга кимлар қарайди?

— Бизда ҳамма иш билан банд. Кексаларимиз ҳам тиниб-тинчимайди. Улар ўзларича бригада ташкил қилиб, бири канопда ва маккажўхорида, иккинчиси ғўза парваришида, яна бири сувчи. Кўпчилиги буғдой ўрим-йиғимида. Уй-жойимиздан хотиримиз жам. Ғурурланиб айтамизки, бизда қулф-калит, девор деган нарсалар йўқ. Ҳамроҳимизнинг ҳаваси келдими — хонадонларни томоша қилайлик, — деди.

Икки томони мевали дарахтлар билан қопланган хиёбонга, боғроғларга бошладим.

— Хонадонларимиз боғлардан иборат, — дейди кекса чол Усмон ота ҳамроҳимизга. — Дарбоза, девор ўрнига олма экамиз, девор ўрнига олча, сирень, гуллар ўтказганмиз.

— Илёс, Файзулло, Мусулмон, Серкбойларнинг ҳовли-жойларида бўлдик. Ҳамма ёқ жимжит, осойишта. Ўрик-олма пишиб, тагига тўкилиб ётибди. Қизариб турган помидорларни айтмайсизми! Эртанги шафтоли пишиб, кечкилари думбул бўлиб қолибди. Бу йил ёнғоқ роса ҳосилга кирибди.

Қайси уйга, қайси хонадонга кирманг ҳовлида ҳеч ким йўқ. Раис айтгандек ҳамма ишда — меҳнат қилаётир.

— Тўқчилик, тўғрилик, ишончнинг белгиси бу, — деймиз бараварига.

— Бизнинг қишлоқда ҳамма нарса ўртада. Кимнинг меваси биринчи бўлиб пишса, ўртада баҳам кўрамиз. Яна бир хислатимиз, — дейди раис, — қишлоғимизда қатиқ-сут, мева-чеваларни сотиш азалдан одат эмас. Ҳамманинг сигири, қўйи, мева-чеваси бор.

Меҳмонлардан бири, девор—феодализм қолдиғи, деди. Девор олиш сабабларини айтиб, ўтмишга мурожаат қилинди, тарихий воқеалар эсга олинди.

Девор қишлоқнинг чиройини бузар экан. Мана қишлоғимизга бир қаранг, ҳамма ёқ кўм-кўк, ҳамма ёқ яшил, на девор, на тош бор. Буларнинг ўрнида турли хил узум, мева дарахтлари: олма, олча, анор...

Ўтмишда қишлоғимизга меҳмон келса фалончининг қўрғони, фалончининг ҳовлиси қаерда деб сўрар эди. Энди-чи, қўрғон, ҳовли деган сўз йўқ.

— Ўғрилик — текинхўр, меҳнатдан қочган кишининг «ҳунари». Қишлоқда ҳамма меҳнат қилади. У меҳнати туфайли бадавлат яшаётир. Колхозимизнинг қоровули ҳам бир кунда 2 сўмдан кам топмайди, — дейди участка партия ташкилотининг секретари Ҳасан Ўтегенов.

Колхоз қишлоқларини айланиб томоша қилган меҳмонлар тўқчиликнинг белгиси—қулф-калитнинг йўқлиги, тошдеворлар ўрнига боғроғлар барпо қилингани деган қарорга келишди.

— Бу ажойиб хислат. Бу ҳақда албатта юртимизга қайтганда элдошларимизга айтиб берамиз, — дейишди меҳмонлар биз билан хайрлашаётиб.

Р. ИСҲОҚОВ.

ЧЕТ ЭЛ АХБОРОТИ

ЭДВАРД ОХАБ—ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ

ВАРШАВА, 12 август. (ТАСС). Бугун бу ерда Польша Халқ Республикаси сеймининг фавқулодда сессияси бўлди.

Сессиянинг мажлиси очилиши билан сейм депутатлари Польшанинг атоқли партия ва давлат арбоби, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Александр Завадскийнинг хотирасини сукут ичида ҳурматлаб эсга олдилар.

Сессиянинг кун тартибида Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг янги раисини сайлаш масаласи турар эди. Депутат Владислав Гомулкага сўз берилади. Мен, деди у, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети ва Польша бирлашган ишчи партияси депутатлари клуби номидан ва Бирлашган деҳқонлар партияси ҳамда Демократик партия раҳбарлигининг топширишига биноан, сейм депутати, Польша Халқ Республикаси Давлат кенгаши раисининг ўринбосари, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Марказий Комитет секретари ўртоқ Эдвард Охаб номзодини Давлат кенгаши раиси лавозимига таклиф этаман.

Депутатлар В. Гомулканинг бу сўзларини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Депутатлар ва барча меҳнаткашлар, дейди нотиқ, ўртоқ Эдвард Охабни яхши биладилар. Унинг бутун ҳаёти ватанга фидокорона хизмат қилиш намунасидир. В. Гомулка Польша бирлашган ишчи партиясининг синалган, атоқли арбоби Эдвард Охаб босиб ўтган шонли ҳаёт йўли тўғрисида гапиради. Ўртоқ Охаб, деди В. Гомулка, ана шу юксак лавозимда ҳам социалистик Польша ишига садоқат билан хизмат қилади.

Бирлашган деҳқонлар партияси ва Демократик партия депутатлари клубларининг вакиллари ўз нутқларида депутат В. Гомулканинг ўртоқ Эдвард Охабни Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси қилиб сайлаш тўғрисидаги таклифини қувватладилар.

Сейм депутатлари ўртоқ Эдвард Охабни якдиллик билан Польша Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси қилиб сайладилар.

Польша Халқ Республикаси сеймининг фавқулодда сессияси шу билан ёпилди.

ТУРКИЯ САМОЛЁТИ КИПР УСТИДА ПАЙДО БЎЛДИ

ЛОНДОН, 12 август. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кипрдаги вакили Туркия ҳарбий ҳаво кучларининг реактив самолёти бугун Коккин райони ва киприлк греклар яшайдиган бошқа уч қишлоқ устидан учиб ўтганлигини билдирди. Самолёт қишлоқларни ўққа тутмади, деб хабар беради Рейтер агентлигининг мухбири Никозиядан.

МАКАРИОС: КИПР БМТНИНГ ЎТ ОЧИШНИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ РЕЗОЛЮЦИЯСИНИ ҲУРМАТ ҚИЛАДИ

ЛОНДОН, 12 август. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Никозиядан хабар беради: Кипр президенти архиепископ Макариос кеча радио орқали сўзлаган нутқида бундай деди: Кипр ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги резолюциясини ҳурмат қилади. Макариос айтдики, Кипр ҳукумати оролда осойишта шароитни вужудга келтириш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўради. Президент киприлк грекларга мурожаат қилиб, ана шу мақсадга эришиш учун ўзларини тийиб туришга чақирди.

НОСИРНИНГ МАКАРИОСГА МАКТУБИ

ПАРИЖ, 12 август, (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Никозиядан хабар беради: Бирлашган Араб Республикасининг Никозиядаги элчиси кеча Кипр президенти архиепископ Макариос ҳузурида бўлди ва Бирлашган Араб Республикаси президенти Жамол Абдул Носирнинг мактубини унга топширди. Мактубда, жумладан бундай дейилади: Бирлашган Араб Республикаси Кипрнинг озодлигини ва Кипр халқининг бирлигини сақлаш учун «ҳар қандай ёрдам кўрсатиш»га тайёрдир. Мактубда Туркиянинг Кипрга қарши агрессияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг принципларини бузиш эканлиги кўрсатилади ва бу агрессия қатъиян қораланади.

ТЕЛЕГРАФ ЛЕНТАСИДАН

● Кипр ташқи ишлар министри Спирос Киприану Греция ҳукумати вакиллари билан музокаралар олиб бориш учун Никозиядан Афинага келди.

● Франция телевиденеси совет телевизион фильмини кўрсатди. Томошабинлар зангори экранларда Галина Уланова, Майя Плисецкая ва совет саҳнаси, эстрадаси ҳамда циркининг бошқа усталарини томоша қилдилар.

● Август ойининг дастлабки олти куни ичида Ғарбий Германиядан Германия Демократик Республикасига 222 киши кўчиб ўтди.

● ЮПИ агентлигининг мухбири АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг Ванденбергдаги базасидан хабар беради: «Тор-Агена» ракетаси ёрдамида ернинг сунъий метеорологик йўлдоши «Нимбус» учирилиши керак эди. Уни учириш ноилождан бир ҳафтага кечиктирилди. Учириш системаси синаб кўрилганида унинг алоқа аппаратурасида камчиликлар юз берганлиги учиришни кечиктиришга сабаб бўлди.

● Жанубий Африка Республикасида полициячилар таъқиби янгидан бошланди. Африка аҳолисининг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган оқ танли гражданларни полициячилар таъқиб остига олмоқдалар. Матбуот июль ойининг охиридан шу кунгача Жанубий Африка Республикасида 60 дан ортиқ киши, жумладан олимлар ва журналистлар қамоққа олинганлиги тўғрисида хабар беради.

● 8 августда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган сел кучли сув тошқинига сабаб бўлди. Натижада 12 киши ҳалок бўлди, 13 мингдан кўпроқ киши бошпанасиз қолди. 3 мингга яқин хонадонни сув босган ва вайрон қилган, кўпгина жойларда тош йўллар, темир йўл излари ва дамбалар шикастланган. (ТАСС).

Греция ёрдам беришни ваъда қилмоқда

НЬЮ-ЙОРК, 12 август (ТАСС). Юнайтед Пресс интернейшнл агентлиги Афинадан хабар беради: Греция ҳукумати кеча кечқуруни Туркия агрессия қилган тақдирда «ўзининг ҳамма кучлари»дан Кипрга ёрдам бериш учун фойдаланади, деди.

Грециядан олинган ана шу хабар бу ерда Кипр ташқи ишлар министри киприлк грек Киприану билан Греция бош министри Папандреу, ташқи ишлар министри Костопулос ва миллий мудофаа министри Гаруфалиас ўртасида тўрт соат давом этган суҳбатдан кейин эълон қилинган қисқача ахборотда баён қилинади.

Ахборот эълон қилинганидан кейин Греция ташқи ишлар министри Костопулос матбуот вакилларига бундай деди: «Греция ўтмишда доим қилганидек, ҳозирда ҳам ўзининг бутун кучлари билан Кипрни қўллаб-қувватлайди».

Генерал Во Нгуен Зиапнинг мактуби

ХАНОЙ, 12 август. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги хабар беради: Вьетнам халқ армиясининг бош қўмондони генерал Во Нгуен Зиап кеча Вьетнам масаласи юзасидан тузилган халқаро комиссия раисига мактуб юборди. У ана шу мактубда АҚШ ҳукуматининг Жанубий Вьетнамдаги ўз қўшинлари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилаётганлигига эътиборни жалб этади.

Абдул Раҳмон Лондондан жўнаб кетди

ЛОНДОН, 12 август. (ТАСС). Малайзия бош министри Абдул Раҳмон бугун самолётда Лондондан ватанига жўнаб кетди. Абдул Раҳмон Лондонда Англия ҳукуматининг аъзолари билан музокаралар олиб борди.

М. АБДУРАҲМОНОВА

Тошкент область, Янгийўл районидаги Ильич номли 14-ўрта мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Муҳаббат Абдураҳмонова бевақт вафот этди.

Ўртоқ М. Абдураҳмонова 1932 йилда, Бухоро шаҳрида туғилди. У Бухоро педагогика институтини тамомлагач, Ромитон районидаги 1-мактабда, ундан кейин эса Янгийўл районидаги 25-мактабда она тилидан дарс берди.

Муҳаббат Абдураҳмонова ўзининг олган билимларини ўқувчиларига зўр меҳр билан сингдирди, бутун куч ва ғайратини ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга сарфлади. М. Абдураҳмонова ўз педагогика коллективи ҳамда уни Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайлаган Ниёзбоши сайлов округи сайловчилари орасида ҳамманинг иззат ва ҳурматини қозонди.

Ажойиб ўқитувчи, халқимизнинг содиқ қизи Муҳаббат Абдураҳмонованинг образи ўртоқларининг хотирасида доим сақланади.

Бир группа ўртоқлари.

ТЕАТР ИККИНЧИ УЧРАШУВ

Республикамиз пойтахтига Тожикистон ССР В. В. Маяковский номидаги рус драма театри коллективи гастролга келди. Театрнинг ижодий коллективи Тошкент томошабинларига биринчи марта ўз маҳоратини 1959 йилда намойиш қилган эди. Театр бу сафар Тожикистон ССР ва Тожикистон Компартиясининг 40 йиллигига бағишланган қатор янги асарлар билан келди.

1937 йилда ташкил этилган бу театрнинг тараққиёт йўлида совет театр санъатининг атоқли арбоблари Алексей Дикий, Василий Топорков каби санъаткорларнинг хизмати катта. Театр давримизнинг илғор ғояларини тарғиб қилишда самарали хизмат қилаётир. Унинг репертуаридан кўп миллатли совет драматургиясининг энг бақувват, ғоявий-бадиий пишиқ асарлари муносиб ўрин олган. Жумладан, театр коллективининг ижодий йўлида. В. Вишневскийнинг «Ҳаётбахш ўлим», В. Маяковскийнинг «Қандала», «Ҳаммом», А. Корнейчукнинг «Фронт», Арбузовнинг «Иркутск воқеаси» ва бошқа асарлар муҳим роль ўйнаган.

Дўстларимизнинг Тошкентдаги ижодий кўриги атоқли совет драматурги И. Штокнинг «Ленинград проспекти» асари билан бошланди.

Маяковский театри бундан ташқари М. Горькийнинг «Егор Буличев ва бошқалар», А. Афиногеновнинг «Ўз болаларининг онаси», В. Розовнинг «Кечки таом олдидан», асарларини ҳамда қардош венгер драматурги Г. Чикининг «Текинхўрлар», румин драматурги А. МиродаННинг «Машҳур 702», югослав драматурги Б. Нушичнинг «Фалсафа доктори» ва Ленин мукофоти лауреати Н. Погодиннинг В. И. Ленин ҳақидаги машҳур трилогиясининг хотима қисми—«Учинчи патетик қисса» асарларини ҳам олиб келишган.

— Тошкент томошабинларининг юксак диди бизга маълум,— дейди театр директори А. Ф. Новоселова, — Олмаота шаҳрида ўтказилган гастролимиз муваффақиятли якунланган бўлса-да, Тошкент томошабинлари ҳузурида бошланадиган ижодий кўрикдан ғоят ҳаяжондамиз. Улар, спектаклларимизни кўриб, камчиликларимизни бартараф қилишда, қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдиришларига ишонамиз.

В. В. Маяковский номли рус драма театри коллективи Тошкентда бир ой давомида гастролда бўладилар.

Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 АВГУСТДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 —**Будь готов!** телевизион журнали, 18.40 — **Бизнинг мактаб** (ҳужжатли фильм), 18.50 — **Реклама ва эълонлар**, 19.00 — **Халқ контроли амалда**, 19.25 — **Шоир нигоҳи билан** (илмий-оммабоп фильм), 19.35 — Леонковаллонинг **Паяци** операсидан парчалар (Италия қўшиқчиси Марио дель Монако иштирокида), 20.10 — **Телевизион янгиликлар**.

20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.40 — **Телевизион янгиликлар**, 21.05 — **Роза Отабоева** («Замондошларимиз» циклидан телевизион очерк), 21.25 — **Киножурнал** ва **Тоғ ёзи қисқа** номли бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.20 — **Диафильм** (болалар учун), 18.40 — **Тошкент янгиликлари**, 18.50 — **Будапешт, сени севаман** («Киносаёҳатлар клуби» циклидан).

Рус тилида: 19.10 — **Волейбол** (Индонезия—Тошкент командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви), 20.10 — **Тошкент янгиликлари**, 20.20 —**Уймакорлик санъати устаси Муҳит Раҳимов**, 20.50 — **Чин кўнгил** (телевизион очерк), 21.05 —А. П. Чехов, **Қаллиқ** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—14/VIII да **Оққуш кўли.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—14/VIII да **Ишқинг билан**, 15/VIII да **Нурхон.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 14, 15/VIII кеч соат 8 яримда **Ўзбекистон эстрада оркестрининг концертлари** (2 бўлимда). Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Давидбек — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), НАВОИЙ номли (кеч соат 8 ярим ва 10 да).

Тонггача 40 минут — «МИР», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (1-залда тоқ соатларда), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Аршин мололон — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қара, йўл кўринади — «ИСКРА» (кеч соат 7 дан), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия) —«ИСКРА» (кеч соат 7 гача).

Насриддин Бухорода ва Насриддин саргузаштлари — «ЁШ ГВАРДИЯ» «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Алданган алдамчилар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Тўйдан кейин — «ДРУЖБА» (2-залда жуфт соатларда).

Биринчи синф ўқувчиси — «МОСКВА» (эрталаб соат 10 да).

Куба, 1958 йил — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9-10 минут ва 10 яримда)

Суюқоёқ — «ОКТЯБРЬ».

Аршин мололон — «ВАТАН», КИРОВ номли.

Давидбек — НАВОИЙ номли, «ХЕВА», ТЕЛЬМАН номли.

Граф Монте-Кристо (1 ва 2-серия) —«ФЕСТИВАЛЬ».

Қара, йўл кўринади — КАФАНОВ номли, «ПАХТАКОР», «РАКЕТА».

Куба, 1958 йил — «САЛЮТ».

Зелёнаядаги дангиллама уй — «УДАРНИК».

Маскарад — «1 МАЙ».

Музикали воқеа — ФРУНЗЕ номли.

Насриддин саргузаштлари — «ШАРҚ».

Алданган алдамчилар — СТЕПАН РАЗИН номли.

Қонун-қонундир — ПУШКИН номли.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

15 августда

КАТТА КОНЦЕРТ

СССР халқ артистлари **Мукаррама Турғунбоева, Саодат Қобилова, Галия Измайлова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Карим Зокиров, Саттор Ярашев**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Михаил Давидов, Жамол Низомхўжаев, Клара Юсупова, Ҳалима Комилова, Гулнора Маваева**, солист **Эргаш Йўлдошев** ва халқ чолғу ансамбли қатнашади.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

16, 17 августда

Совет Иттифоқи биринчилиги учун: **«Авангард» (Харьков) — «Пахтакор» (Тошкент) командалари ўртасида**

ФУТБОЛ

16/VIII да дублёр состав кеч соат 6 дан, 17/VIII да асосий состав кеч соат 6 яримдан ўйнайди.

БИРЛАШГАН НАШРИЁТГА

малакали **линотипчилар, печатчилар, автослесарлар, ёрдамчи ишчилар**

керак

Тошкент шаҳар, «Правда Востока кўчаси, 26-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриёти нинг босмахонаси. Тошкент шаҳри.
Р С5801. ИНДЕКС — 64543. № Б — 189.